

НАЖМИДДИН ЭШОНОВ

У ДУНЁДАН  
ҚАЙТМАГАН  
КИМ БОР?

NAJMIDDIN ESHONOV

U DUNYODAN  
QAYTMAGAN  
KIM BOR?

Нажмиддин ЭШОНОВ

# У ДУНЁДАН ҚАЙТМАГАН КИМ БОР?



«Наманган»  
нашриёти  
2017

УЎК: 821.512.133-1

КБК: 84 (5 Ўзб) 7

Э-3

*Нажмиддин Эшоннинг қисқа ва лўнда тўртликларини ўқир экансиз, гўёки ўзингизни бутун олам билан уйғунлашиб кетгандек ҳис қиласиз.*

*Тўғри, муаллифнинг ўзига ҳос фалсафасини тушуниш, унга ишониш қийин. Лекин, шеърлардаги фикрларини рад этиш ундан-да қийинроқдир. Ҳар ҳолда ўз даврида “Тигсиз жарроҳ” номини олган бу инсон бир неча ўн минглаб беморларни умуртқа поғонасида кечадиган оғир жарроҳлик амалиётларидан сақлаб қола билди. Ушбу тўртликлар унинг ҳаёт ҳақидаги ўйлари ва мушоҳадаларининг самарасидир.*

***Хуллас, у дунёдан қайтмаган ким бор?***

*Бу галати саволга жавобни эса, мазкур тўпلامни ўқиб чиққанингиздан кейин топа оларсиз деган умиддамиз.*

ISBN 978-9943-4929-1-2



© Нажмиддин ЭШОНОВ

© «Наманган» нашриёти, 2017

## СУЗБОШИ ЎРНИДА

*Ҳар нарсаниким замон бузиб хор айлар,  
Дунёи хазинабон уни йиғиб бор айлар.  
Майл этса-ю, ўз аслига эврилса фалак,  
Ғойиб пардасидин ҳақ яна ошкор айлар.*

**Абу Али ибн Сино.**

Нажмиддин Эшонов – 1957 йилда Янгиқўрғон тумани, Бирлашган кишлоғида дурадгор уста оиласида таваллуд топди. Унинг отаси Зиёдулла Нажмиддин уч ёшлигидаёқ вафот этади. Ўспиринлик кезларидан бошлаб ёш Нажмиддин тана ва руҳ бирлиги ҳақида мулоҳазалар юритади.

Рухнинг моддий жиҳатдан мавжуд ёки мавжуд эмаслиги тўғрисида фикрлаб, ҳатто ядро физикасини ҳам чуқур ўрганиб чиқади. Бироқ, у кутган натижани бермагач, у масаланинг ечимини тиббиётдан кидиради. Ана шу мақсадда Андижон тиббиёт олийгоҳига ўқишга киради. Ўқишни тамомлагач, бир қатор тиббиёт муассасаларида ҳақимлик қилади.

Ўзини халқ табобатида синаб кўриш мақсадида қадимги табиблар ҳақида ёзилган китобларни мутолаа қилишга киришади. Ва умуртқа касалликларини кўл билан даволаш усулларини мукамал ўрганади. Ўз фаолияти давомида минглаб беморларни даволашга эришади.

Юқоридагилар Нажмиддин Эшоновнинг ҳаёт фаолиятининг бир томони. Нажмиддин Эшонов болалиқдан шеърятга ошно бўлиб, Жалолиддин

Румий, Сўфи Оллоёр, Бобораҳим Машраб, Умар Хайём, Абу Али ибн Сино ва бошқа улуғ салафларимиз ижодини ўрганиб келади. Натижада ўзи ҳам тўртликлар ёзади. Тақдир тақазоси билан Нажмиддин Эшонов билан бир адабий тадбирда танишиб қолдик. Ёзганларини ўқиш жараёнида тўртликларидаги мазмун-моҳият ўша болалигидаги орзулар эканлигини англаб етдим. Зукко ўқувчи тўртлик ёзиш бироз мураккаблигини яхши билади. Нажмиддин Эшонов ана шу қийинчиликдан чўчимасдан фалсафий фикрларини шеърга солади.

Тўртликларининг мавзулари хилма-хил. Инсонни фақат ва фақат эзгуликка, дунёнинг бевафолиги, инсонларга яхшилик қилиб қолишга, ҳавойи нафснинг найрангларига учмасликка чақиради. Бу чақирув унинг қалб амридир.

Мен қалб амрига бўйсуниб қалам тебратаётган қаламкашнинг келгусидаги ижодларига улкан ривожлар тилайман.

**Жамолiddин МУСЛИМ,**  
*Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси*  
*Наманган вилоят бўлими*  
*масъул котиби*

*Билмадим дунёга нега келамиз?  
Буюрса оқ сут-у нонга етамиз.  
Озуқа олиғига чинқириб келиб,  
Озуқа бўлишига эжим-эжим кетамиз.*

\*\*\*

*Гул узсанг узмасанг сўлийди бир кун,  
Ёр қучсанг қучмасанг ўтар ўша тун.  
Никоҳ оқишодай ўтказ ҳар тунинг,  
Ғарблик ёмондир, бўл бағри бутун.*

\*\*\*

*Мен ўлсам қабримга гул экинг, бироқ,  
Илдизин танамга экинг яқинроқ.  
Майлига, танамдан озуқа олсин,  
Гул тезроқ очилсин, яшнасин япроқ.*

\*\*\*

*Дунёга келамиз такрор ва такрор,  
Ҳар юртга келгандай ҳамиша баҳор.  
Бир оқиб ўтган сув қайта оқмаса,  
Қуриб қоларди-ку, анаву анҳор.*

\*\*\*

*Бу гўзал бир маҳал бўлганди райҳон,  
Гоҳида яшнаган, гоҳ бўлган хазон.  
Энди аёл бўлиб, келиб дунёга,  
Райҳон бўлмади-ю, бўлди Қизлархон.*

\*\*\*

*Ҳаётдан умидин узганди бир чол,  
Хастайди огирроқ, эди бемажол.  
Ўлими олдидан бир енгил тортди,  
Қайтиб келишини қиларкан хаёл.*



\*\*\*

*Дунёга келган бу янги чақалоқ,  
Дунёдан кетувди биздан олдинроқ.  
Ишона олмасанг бу ҳақиқатга,  
Бу чархнинг ишига, қилмишига боқ.*

\*\*\*

*Мангу қола олмас қабрда инсон,  
Барибир бир куни кўради осмон.  
Тайёрлаб қўйишар яна бир куни,  
Унга битта сумак, ёки қуюшқон.*

\*\*\*

*Неча бор минамиз бу тобут тойни,  
Неча бор қийнаймиз бу юзи ойни.  
Келиш ҳам, кетиш ҳам қўлимиздамас,  
Йўқса қийнамасдик бу ой-у тойни.*



\*\*\*

*Одам еб тўйишмас ернинг бу иши,  
Қўлдасмас, кимни еб, кимни қўйиши.  
Фақат озиқланган танани олиб,  
Бошқа бир танага бериш ташвиши.*

\*\*\*

*Улким ҳар заррани бино қилибдур,  
Бағрида улкан куч пайдо қилибдур.  
Сўнг эса заррани бўлиб иккига,  
Бирини бирига шайдо қилибдур.*

\*\*\*

*Рухимиз илдизи аслида олов,  
Сиз мени телбага чиқарманг дарров.  
Хом гўштнинг таъмини оловдан бошқа,  
Нима ўзгартирар, мен қилсам сўров.*

\*\*\*

*Дунёга келибсан бўлиб тирик эсон,  
Уйлаб кўр ҳаётинг яхшими, ёмон.  
Бирон бир инсоннинг бирон кунини,  
Яшаб кўролганми биронта ҳайвон.*

\*\*\*

*Ростдан ҳам баъзида қоламан ҳайрон,  
Баъзилар бўйнига солганда арқон.  
Қанийди оламдан йўқолиб кетиш,  
Ҳал бўла қолсайди бермак билан эсон.*

\*\*\*

*Анави қабрда ўсмоқда шувоқ,  
Манави қабрдан ўсибди янтоқ.  
Биз ҳам гўримиздан кўкариб чиқсак,  
Бизлар ҳам майсамиз ёки гул япроқ.*

\*\*\*

*Бизлар озуқамиз япроққа бироқ,  
Нимага озуқа бўларкин япроқ.  
Ҳаммага маълумку бу чархнинг иши,  
Япроқни ейди-да, бир кун бўталоқ.*

\*\*\*

*Оловни сақларди бағрида ўтин,  
Бир куни чиқарди гуриллаган ун.  
Қуёшдан олганди бу жон оловни,  
Жон чиқиб кетди-ю, қолди кул-тутун.*

\*\*\*

*Мурдани мумиёлаб олими жаҳон,  
Билимин кўрсатди бизларга чунон.  
Уни ўз ҳолига қўйганда эсиз,  
Табиат берарди тезроқ унга жон.*

\*\*\*

Ҳайём кўза қучди, мен-чи жонона,  
Ўзимиздан гамни қилдик бегона.  
Кўза ҳам, жонон ҳам вафо қилмагач,  
Вафодор томонга кетдик мастона.

\*\*\*

Тупроқдан кўзани ясаб кўзагар,  
Ўзича кўрсатар ажойиб ҳунар.  
Мен унга тоабод сажда қилардим,  
Кўзамас тупроқни яратса агар.

\*\*\*

Қуръонни тушуниб ўқиш шарт эмас,  
Бизларга ўқишдан фойда бўлса бас.  
Чунки яратилган нарсалар бари,  
Яратган зотини тушунган эмас.

\*\*\*

*Абадий уйқуга кетармиш одам,  
Қанийди рост бўлса бу гап чинданам.  
Ҳаётдек жонона турткилайвериб,  
Тинч қўйиб қўймасов, бироз олгач дам.*

\*\*\*

*Бир қамиш йиғларди бўлганидан най,  
Ноласин тўқарди худди одамдай.  
Бу қамиш бир маҳал бўлганди одам,  
Ноласин бошқача тўксинам қандай?!*

\*\*\*

*Тортишиб қолсалар ҳаёт, сув, олов,  
Сув қайнаб кетади оловда дарров.  
Оловни ўчирар қайнаса ҳам сув,  
Ҳаёт голиб келар ўйнатиб гаров.*

\*\*\*

*Ўтганлар ўтсаю, қайтмаса агар,  
Умр ҳам берилса фақат бир сафар.  
Ҳаётдек мўъжиза йўқолиб кетиб,  
Танамиз гўрдаёқ топмасди басар.*

\*\*\*

*Яшайман, яшайсан оҳ, ленинг эркам,  
Мавжудман, мавжудсан ҳатто ўлсак ҳам.  
Яна қайтиб келсак замонлар оша,  
Қанийди унда ҳам мен сени топсам.*

\*\*\*

*Мен қайтиб келмайман дерди бир одам,  
Йўқолиб кетаман бир куни ўлсам,  
Сал ўйлаб гапиргин, ҳатто сен тугул,  
Олам йўқотмайди бир заррани ҳам.*

\*\*\*

Қадимий нарсага қараса одам,  
Ўйланиб қолади негадир бир дам.  
Ўзи ясагандай кўрган нарсасин,  
Ёқтириб қолади кўпол бўлса ҳам.

\*\*\*

Ҳаётдан кетувдик минг йил олдинроқ,  
Шум ўлим бизларга қўйганда тузоқ.  
Энди-чи биз яна келдик дунёга,  
Танимай турибсан сен мени ўртоқ.

\*\*\*

Ҳаммага маълумки олтин зангламас,  
Чунки у темирдай нафас ҳам олмас.  
Ўзига қолса-ку занглаб кетса ҳам,  
Чириб кетса ҳамки оларди нафас.



\*\*\*

*Бизлар олтинмасмиз оламиз нафас,  
Бир руҳга бир тана ҳамиша қафас.  
Тана ўзгармаса ўзгармасди руҳ,  
Афсуски бу қафас олтиндан эмас.*

\*\*\*

*Ўламан бир куни ўлигимни сиз,  
Нималар қилишни яхши биласиз.  
"Фотиҳа" сурасин яхши кўраман,  
Бечора, деб мени дуо қиласиз.*

\*\*\*

*Замондан полима ўзгармас замон,  
Ғам ташвиш беради инсонга инсон.  
Ундан ҳам ёмони ёмонлик қилиб,  
Бу ишни Худога йўйгани ёмон.*

\*\*\*

*Ердаги ҳақиқат бўлмаса бўлмас,  
Баъзида букилса баъзан букилмас.  
Лекин осмонда бир ҳақиқат борки,  
Букаман деганни синдирар бесас.*

\*\*\*

*Мен жонон билану, май билан Ҳайём,  
Гоҳо ҳалол бўлдик, гоҳида харом.  
Аммо жонона ҳам май билан бирга,  
Вафонинг бобида бўлдилар гирром.*

\*\*\*

*Тулкининг найрангин менсимас този,  
Ҳар инсон ажабо ақлидан рози.  
Тенг тортмай, тенг қилиб кўрсатиб қўйган  
Ақлни ўлчаган қандай тарози?*

\*\*\*

*Инсон ўз ризқини яратмоқ учун,  
Тинмайин тер тўкар нимага, нечун?  
Тошни ҳам ёрибди анави гиёҳ,  
Озуқа бўлишга ҳайвонга бир кун.*

\*\*\*

*Руҳни мен қувват деб қиламан даъво,  
Танамга ҳаракат этганда ато.  
Агарда бу қувват кетса танамдан,  
Жисмимни ер олар, руҳимни ҳаво.*

\*\*\*

*Узумни тотиб кўр, мазаси ширин,  
Билмаймиз шарбатнинг, на майнинг сирин.  
Бириси хуш бўлса, бири хушсизлик,  
Билмаймиз биз бунда не сир яширин.*



\*\*\*

*Дунёку бу гўзал томошадир боқ,  
Топарсан догмо ундан овунчоқ.  
Ҳаттоки зулмат ҳам кўз тегмасин деб,  
Минглаб юлдузлардан тақмиш кўзmunчоқ.*

\*\*\*

*Термулиб турувдим мен бўлиб ҳалак,  
Пардасин очар деб кўкдаги малак.  
Сув сепиб устимдан қулдириб кунни,  
Камалак жамолин кўрсатди фалак.*

\*\*\*

*Озиқланиб бўлгач, озуқа бўлсак,  
Қабр қозонида лиммо-лим тўлсак.  
Чидай олармидик бундай азобга,  
Нодонмиз ўлимни биз ноҳақ десак.*

\*\*\*

Майлига, бу сафар тез ўтди умр,  
Вақтгаку айтмаймиз, ҳой секинроқ юр.  
Энди бутун умид қайтиб келишдан,  
Илоҳим, ишқилиб сен шуни буюр.

\*\*\*

Менга кўп ёқади олами жаҳон,  
Айниқса ҳаётдек жуда шўх жонон.  
Оламдан йўқолиб кетмай кутарман,  
Жон-жон деб яшарман яна берса жон.

\*\*\*

Мен шима қилайки яшагим келса,  
Узоқроқ яшайин умримни берса.  
Ўлимни ким қилар айтинг ихтиёр,  
Ҳаётдек жонона қош қоқиб турса.

\*\*\*

*Танамни тарк этса руҳи бевафо,  
Шу билан ҳаммаси бўлмайди адо.  
Тақдирдаги тана энди ким бўлар?  
Балки бир шоҳ бўлар, балки бир гадо.*

\*\*\*

*Аслида қилмасак бўлади армон,  
Дунёга келганмиз бўлиб тирик жон.  
Гоҳида инсонмиз, гоҳида гулмиз,  
Гоҳида чинормиз, гоҳ майса нимжон.*

\*\*\*

*Менинг тупрогимдан кўза ясалса,  
Яна ким кўзани дарёга солса.  
Тан бериб қўярдим бир кунлик сувни,  
Менинг бўғзимдан-да ортигин олса.*

\*\*\*

*Олдинга интилиш ва ортга чопиш,  
Абадий ишимиз келиш-у кетиш.  
Бизни чалгитувчи ҳеч қандай йўл йўқ,  
Бўлгани шу экан қилмайлик ташвиш.*

\*\*\*

*Азалда бир ўлиб кўргандай инсон,  
Кўрқадди қийналиб беришидан жон.  
Яна билмадиму, ўлим келганда,  
Бизлар йўқ бўламиз, бўлмаймиз бир он.*

\*\*\*

*Тушини айтарди фалонга фалон,  
Учиб юрганмиш-у, тиниқмиш осмон.  
Бу тушни айтганда бургутга бургут,  
Тушуна олардик бу тушни осон.*



\*\*\*

*Балиқчи кўлида бўлади қармоқ,  
Амалдор ризқини терар тил, томоқ.  
Нима касб қилсанг ҳам сен обдан ўйла,  
Қозининг кўлида бўлади сиртмоқ.*

\*\*\*

*Танамиз шубҳасиз бунда қолғуси,  
Руҳ жойи жаннат ё дўзах бўлғуси.  
Танамиз сув, тупроқ, яъни лойқа сув,  
Билмадим руҳ қандай тоза бўлғуси.*

\*\*\*

*Яшаб кўй дунёда бўлиб бетакрор,  
Излардек йўқолма ёққанида қор.  
Набиранг оғзингга сув томизганда,  
Сенгамас ачинсин дунёга бир бор.*

\*\*\*

*Азалда борлиқни қилгунча пайдо,  
Йўқликни яратган ундан аввало.  
Йўқни ҳам яратиш, бор пайдо қилиш,  
Билмадим қанчалик сирли бу дуо.*

\*\*\*

*Ёр қучсанг ёринг шод, сен бўласан шод,  
Олам шод бўлади, бешигинг обод.  
Шайтон-чи, ҳасаддан куйиб кетармиш,  
Шайтонни куйдириб яша умрбод!*

\*\*\*

*Танамиз руҳидан бўлса ҳам жудо,  
Хаттоки осмонда сўнса ҳам зўхро.  
Нима бўлгандаям буларнинг бари,  
Оламдан ҳеч қачон тушмайди айро.*

\*\*\*

*Балиқчи ташласа дарёга қармоқ ,  
Қармоққа илинар бир дарди томоқ,  
Ё Раб, тирик ўлик минса тобутга,  
Елкага чиқса бас ташлайди сиртмоқ.*

\*\*\*

*Тирикмиз, тўғриси еб ичмоқдамиз,  
Баъзан нафс сўзига кўп учмоқдамиз.  
Қанча кўп семирсак шунча яхшидир,  
Бир куни етилсак, мўл озуқамиз.*

\*\*\*

*Ўта кучли табиб, дейишар мени,  
Ўзимга қарайман ўша куч қани?  
У берар шифони ростини айтсам,  
Мен бўлсам оламан бунинг ҳаққини.*

\*\*\*

*Биринчи эгилиш саждада билгил,  
Биров йиқилса ҳам тургизсанг эгил.  
Унардан-унмасга эгилаверсанг,  
Қаддингни букарлар бунни яхши бил.*

\*\*\*

*Ҳақ бу томошабин, томоша инсон,  
Ҳаёт остин-устун бўлмаса иймон.  
Унинг донолигин, ҳақлигин кўрки,  
Томоша тугарди бўлмаса шайтон.*

\*\*\*

*Бир омборда турмас, дон билан сомон,  
Шунинг чун экканин ўради деҳқон.  
Сен бунда ўлимнинг ҳикматини кўр,  
Бир гўрда турмайди тана билан жон.*

\*\*\*

*Оловни тилсиз ёв, дейдилар бироқ,  
Бу гапга ишониш анча қийинроқ.  
Агарда ёв бўлса биргина шайтон,  
Қолган фаришталар дўстларку, ўртоқ.*

\*\*\*

*Олтмиш йил еб-ичиб тўлмади қорним,  
Шу тешик қопни деб билмадим тиним.  
Озиқлана-озиқлана озуқа бўлсам,  
Ҳали керак экан, кўп еб-ичишим.*

\*\*\*

*Шимолда ё гарбда бир гап бор эмиш,  
Баъзилар наздида руҳ йўқ нарсамиш.  
Ажабо, пойма-пой гапларга кўра,  
Руҳ ўзи йўқмиш-у руҳишунос бормиш.*

\*\*\*

*Ер босиб, кун кўриб яшайлик бунда,  
Ҳаётнинг лаззатин олайлик кунда.  
Еб-ичиб бир кун озуқа бўлсак,  
Дунёнинг савоби аслида шунда.*

\*\*\*

*Оламга келганмиз, кетмак қўлдамас,  
Биз бугун тирикмиз, ўлмак қўлдамас.  
Минг бор озиқланиб, озуқа бўлсак,  
Нимага озуқа бўлмак қўлдамас.*

\*\*\*

*Улуглик даъвосин қилади инсон,  
Ҳамиша қидирар у бунга имкон.  
Асли нимаси бор гуноҳдан бошқа,  
Нима ўзиники танами ё жон?*

\*\*\*

*Оламга ҳаракат берар минг карра,  
Оловнинг дастидан тинмайди зарра.  
Олов, руҳ ва тана чопмоқда бирга,  
Чопишдан мақсад не, қаяқда марра?*

\*\*\*

*Танамиз аслидир шаксиз обу гил,  
Руҳимиз ҳаётнинг оқими, эй дил.  
Ҳаётӣй оқимнинг аслини сўрсанг,  
Руҳдаги бир ҳирсдир хоҳ билма, хоҳ бил.*

\*\*\*

*Руҳимиз аслидир аслида олов,  
Майли ҳар нарсадан ўйнайман гарров.  
Танамиз лойқа сув, шунинг учун ҳам,  
Бу олов ёнмайди гуриллаб лов-лов.*



\*\*\*

*Томчи сув дарёда йўқолиб кетса,  
Чанг ерга қўнса-ю, қўмилиб кетса.  
Қанийди бу ишлар жўнгина битиб,  
Бир чивин тугилса ва ўлиб кетса.*

\*\*\*

*Бугун биз тирикмиз азиз замондош,  
Қачондир бўламиз биз яна қондош.  
Оламдан йўқолиб кетмоқ қўлдамас,  
Келиб-кетишларга берамиз бардош.*

\*\*\*

*Ҳар пени поклайди аслида оташ,  
Наҳотки, дўзахдан мақсад азоблаш.  
Аллоҳнинг меҳрини унутма бир дам,  
Мақсади гуноҳкор руҳингни поклаш.*

\*\*\*

*Бойда ақл бұлса зигирча агар,  
Дунёга бир боқиб йигар эди зар.  
Күриб қўй, одамзод молнинг қозигин,  
Қалбғамас, ҳамииша бир ерга қоқар.*

\*\*\*

*Қабртош қўймангиз қабр пойимга,  
Ҳурматим жойида тобут тойимга.  
Ёдгорлик, қабртош нимага керак?  
Қайтиб келаман-ку кетган жойимга.*

\*\*\*

*Мени сен ўлди деб қилмагин хато,  
Жонимни қўлингда олсанг ҳам ҳатто.  
Мавжудман, мавжудсан замонлар оша,  
Қайтамиз табиат жон этса ато.*

\*\*\*

Ўлди деб сиз мени қилманг ҳақорат,  
Жаноза ҳеч гапмас, бир урф-одат.  
Кетди денг, қайтар денг ва дуо қилинг,  
Қайтиб келишимни тиланглар фақат.

\*\*\*

Яхшимас одамнинг тўқилса қони,  
Молин ол, майлига, бўлса имкони.  
Қўлингни қон қилиб жон олмоқ нечун?  
Керакмас бировга бировнинг жони.

\*\*\*

Аввалги ҳаётдан инсон камоли,  
Ҳаттоки илми ҳам, хусни жамоли.  
Туғма талантлар-у, истеъдодлар ҳам,  
Қайта тугилишнинг ёрқин мисоли.

\*\*\*

*Донолик ортганда қайғу ортади,  
Шум ўлим донони гўрга тортади.  
Ҳаётдек жонона унинг сўзларин,  
Қошига суртади, кўз ёш артади.*

\*\*\*

*Дунёга сен қайта келасан дедим,  
Наҳот малол келди, сенга бу гапим.  
Ахир бу ҳақиқат қўлимиздамас,  
Ўлимдай соддамас ҳаётий оқим.*

\*\*\*

*Энг қийин нарса бу ўзини англаш,  
Бу йўлда яхшиси донога ёндаш.  
Ўзини англамай кетиш дунёдан,  
Ҳайвондек еб-ичиш, қуруқ валақлаш.*

\*\*\*

Ҳаётдан дадироқ туюлар ўлим,  
Озиқланиб бўлгач, озуқа бўлдим.  
Ҳаёт бу энг кучли жараён бўлса,  
Ўлим чорасизлик, оддий бир тиним.

\*\*\*

Ҳаётда яшаи ҳам асли жасорат,  
Ўлим умидсизлик, буюм бир ҳолат.  
Умид уйгонсаю, қайта тугилсак,  
Энди бу жасорат, омад ҳамда бахт.

\*\*\*

„Қайта тугилиш“ га қўл урдим, бироқ,  
Буни исботлашим анча қийинроқ.  
Аммо шубҳаларни урганда яшин,  
Ҳақиқат чақнайди мисоли чақмоқ.

\*\*\*

*Дунёга келдингми яшамай кўр-чи,  
Ризқингда ош бўлса ошамай кўр-чи,  
Ҳаётхон ўйнатса раққоса қилиб,  
Улама соч билан ўйнамай кўр-чи.*

\*\*\*

*Дунёга келади, кетади одам,  
Дунёдан кетмаса келмас эди ҳам.  
Шундай йўл билан у абадиятга,  
Қўйган қадамини узолмас бир дам.*

\*\*\*

*Ўзи ёшаришни севар табиат,  
Мудом ўлимга ҳам беради навбат.  
Ўлим ёшаришининг сабаби бўлса,  
Ҳаёт улгайтириб, қаритар фақат.*

\*\*\*

*Отаси отмаган эди қўнғизни,  
Боласи отибди энди тўнғизни.  
Олдинги ҳаётда бу мерган бола,  
Қийратган бир йўла ўнлаб қундузни.*

\*\*\*

*Ҳаёт озиқланиш ҳаммага аён,  
Озуқа бўлиш ҳам турар ёнма-ён.  
Тақдирни қарангки осмонда учар,  
Боя бир бургутга ем бўлган қуён.*

\*\*\*

*Бу дунё сиповчи дунё дейдилар,  
Рухингиз покланмас, балки покланар.  
Менимча , "мен" идан кечолган одам,  
Шубҳасиз Худога яқинроқ бўлар.*



\*\*\*

Ўзингизни анланг, сиз ягона сиз,  
Азалда бўлган сиз, ҳозир ҳам бор сиз.  
Қайта тугилсангиз минг йилдан кейин,  
Ўша бир ягона, бу сиз бўласиз.

\*\*\*

Дунёдан кетсаг-у озуқа бўлсак,  
Япроқни яшнатиб, гулда очилсак.  
Аслида бу ҳам бир жараён бўлиб,  
Қайта тугилишдан беради дарак.

\*\*\*

Комиллик даъвосин қилмагил зиҳор,  
Оламга қилмасдан мудом эътибор.  
Эътибор сиз бўлса ит эгасига,  
Оч қолиб, охири ўлар бўлиб хор.

\*\*\*

*Азалда бор эдим, сен ҳам бор эдинг,  
Унда ҳам оппоқ юз бир дилдор эдинг.  
Қаттиқ севишимни сабабин сўрсанг,  
У дунё, бу дунё, менга ёр эдинг.*

\*\*\*

*Қанийди кетишда бир белги қўйсақ,  
Ёки белги қўйиши йўлин тополсақ.  
Қайтиб келсақ ҳамки минг йилдан кейин  
Ўзимизни топиб шод бўлиб ўлсақ.*

\*\*\*

*Бу олам бағрига сингиб кетсак жим,  
Унда ҳам билиб қўй, билмаймиз тиним,  
Муҳими жон кириб, чиқишда эмас,  
Ҳаракат тўхташи қиёмат қойим!*

\*\*\*

*Азалда гул эдинг о, соҳибжамол,  
Бунга мисол бўлар юзинг бемалол.  
Гулдай очилишинг сирин айтмасанг,  
Меҳрим тобланишин сирин айта қол.*

\*\*\*

*Бу гул ҳам бир маҳал бўлганди аёл,  
Кўпайиш сирини қилганди хаёл.  
Кеча гунча эди, энди очилиб,  
Булбулни сайратар, қаранг бемалол.*

\*\*\*

*Азалдан қўйганмиз оламга қадам,  
Гоҳо суст бўлганмиз, гоҳида бардам.  
Абадий борлиқда бор бўлиб туриш,  
Бу шарт бузилмаган, бузолмаймиз ҳам.*

\*\*\*

*Қайта тугилмаса агарда инсон,  
Умуман олганда бирон тирик жон.  
Озиқланиш йўлин, тириклик шартин,  
Айтайлик, эмишни ким айтган, қачон?*

\*\*\*

*Пойгада от ютди, терлаб бояқши,  
Отда на гурур бор, на бир мақтаниш.  
Ҳайвондан инсоннинг фарқини қаранг,  
Чавандоз гердайиб олади олқиш.*

\*\*\*

*Бизлар йўқолмаймиз ўлиб кетсак ҳам,  
Олам йўқолмайди, бўлмас ортиқ-кам.  
Афсуски, тана руҳ тушганда айро,  
Биз учун йўқолар бу борлиқ олам.*

\*\*\*

*Руҳ моддий, аслида бор энергия,  
Менинг айтганларим эмасдир гоё.  
Руҳ, қайта тугилиш, буларнинг бари,  
Сафсата эмасдир, биология.*

\*\*\*

*Лойқа сув танадан руҳ топмиш макон,  
Борми пок бўлишга озгина имкон.  
Покиза, топ-тоза бўлгунга қадар,  
Яна таниш тана, яна ўша жон.*

\*\*\*

*Ёшликдаги севги чин севги бироқ,  
Никоҳга етмаса айрилиқдир боқ.  
Қариганда севсанг ёш бир жононни,  
Никоҳлаб олсанг ҳам дейдилар аҳмоқ.*

\*\*\*

*Эртадан нимадир кутамиз бироқ,  
Эртамиз бор-йўгин билмаймиз ўртоқ.  
Номаълум эртани кутгандан кўра,  
Узоқ эрталарни кутган яхшироқ.*

\*\*\*

*Ўлмасдан қариса ё бўлса касал,  
Бўлса тана ва руҳ масаласи ҳал.  
Ўлим ҳал бўлса-да, аммо ҳаётнинг,  
Қаритиши хислати берарди ҳалал.*

\*\*\*

*Милтиллаб турса ҳам, ёнса ҳам лов-лов,  
Борлигин ҳис қила олмайди олов.  
Руҳимиз оловнинг шундай хилики,  
Тана ўзгарса бас, ўзгарар дарров.*

\*\*\*

*Тана ўзига хос, руҳгадир либос,  
Либос эскирганда руҳ бўлар халос.  
Руҳ асли мавжуд бир энергиянинг,  
Ҳис қила олувчи бир тури холос.*

\*\*\*

*Ўзин ёшартириб турар табиат,  
Ҳаётнинг ишидур қаритиш фақат.  
Унга ҳам, бунга ҳам ён босмайдиган,  
Фақат ўлимдадир буюк ҳақиқат.*

\*\*\*

*Табиат бизларга қилади хизмат,  
Аввал тирик эди биз еган овқат.  
Бизлар озиқланиб, озуқа бўлсак,  
На инсоф йўқолар ва на адолат.*

\*\*\*

Шоҳона ҳаёт-у, ёш-ёш жононлар,  
Ҳар кун айшу ишрат, лаззатли ошлар.  
Бундай ҳаёт йўлин танлагай мудом,  
Иймондан, ақлдан айро тушганлар.

\*\*\*

Оламдан йўқолиб кетмаймиз зинҳор,  
Кетиб, қайтиб келсак яна ўша ёр.  
Чин ёр қаёқда-ю, бизлар қаёқда,  
Келиб-кетишлардан нима фойда бор?

\*\*\*

Баҳосин билганда фоҳиша аёл,  
Танасин сотишни қилмасди хаёл.  
Қайси бир тиланчи бойиб кетгану,  
Қайси шоҳ қул бўлиб юрган бемалол.



\*\*\*

*Мен сени тушуна олишим қийин,  
Сенингча оз ейин ва оз ухлайин.  
Буюрса ухлайман, буюрса ейман,  
Ризқимда шу бўлса айт, мен нетайин?*

\*\*\*

*Буюрган эканки, одам бўлибман,  
Аввалим хор эди, ҳожам бўлибман.  
Тана аъзоларим ҳозир жамулжам,  
Бир куни хок бўлсам ножам бўлибман.*

\*\*\*

*Табиат билади ёшариш сирин,  
Ҳаёт қаритади ошкор, яширин.  
Ўлим ёшаришининг сабаби бўлса,  
Қай бири аччиг-у, қай бири ширин?*

\*\*\*

*Азалимга элтди бир куни хаёл,  
Ҳозир шукур қилсам бўлар бемалол.  
Зилзиладан қўрқув сабаби қайда,  
Ўшанда ўлганман шундан эҳтимол.*

\*\*\*

*Тоғдан юмалаган бу калладек тош,  
Эҳе, нималарга бермаган бардош.  
Қалдираб тушиди-ю жим бўлиб қолди,  
Тақдирга тан берди, тўкмади кўз ёш.*

\*\*\*

*Руҳ бу – энергия, мисоли ҳаво,  
Бу ҳаёт оқими танамизда жо.  
Тана аъзолари бўлиб жамулжам,  
Унинг истагини келтирар бажо.*

\*\*\*

*“Биз келиб кетувчи тўғарак жаҳон”,  
Шубҳасиз, Аллоҳдан бошланган аён,  
Борар маррамизни била олмасдан,  
Чопиб юрмоқдамиз биз бўлиб гирён.*

\*\*\*

*Тушуна олсангиз фикримни агар,  
Бор жонзот яшамас фақат бир сафар.  
Келади-кетади, яна келади,  
Фақат ўзи бўлар бундан беҳабар.*

\*\*\*

*Ҳаёт гўзал бўлса, бўлмаса гўзал,  
Ҳар кимга ўзининг ҳаёти афзал.  
Инсонларга ёқса, инсонча ҳаёт,  
Арига арининг ҳаёти асал.*

\*\*\*

*Қаерга тўқилса киндикнинг қони,  
Билиб кўй, шу ердир унинг макони.  
Нафақат яшашга, камол топишга,  
Маъқулдир ҳаттоки чиқишга жони.*

\*\*\*

*Фақат орзуларда бўлмайди қанот,  
Нималар қилмайди, сени бу ҳаёт.  
Ўйлаб кўр, учарсан тушингда нега?  
Учгансан, учарсан, сенсан барҳаёт.*

\*\*\*

*Табиат бағрида агар олсак дам,  
Танамиз яйрайди, бўламиз бардам.  
Баҳра олганидан майсадан беҳол,  
Яшил тус олибди анави тош ҳам.*

\*\*\*

*Ҳаёт тинч қўймайди тупрогимни ҳам,  
Бир уруг бўлса бас, яна озроқ нам.  
Менинг тупрогимни озуқа қилиб,  
Япроқ яшинашига беради ёрдам.*

\*\*\*

*Тупроққа айланса кетганлар фақат,  
Ер бўлиб кетарди айт, неча қават?  
Тафаккур қилайлик бор ҳақиқатни,  
Қайта тугилишни қилайлик даъват.*

\*\*\*

*Танамиз сув, тупроқ, руҳимиз олов,  
Бу шундай оловки ёнмайди дарров.  
Бу олов шубҳасиз қувватдир, кучдир,  
Руҳ тана бирлигин энди қил сўров.*

\*\*\*

*Болтага сон бермай кесилмас дарахт,  
Хиёнат лаззати келтирмайди бахт.  
Этагин кўтарса алданган аёл,  
Уни булгайдиган эр бўлар бадбахт.*

\*\*\*

*Олдинга босмаслик, ортга кетишидир,  
Абадийга ўлиш энг мушкул ишидир.  
Ҳаётнинг энг чуқур мазмуни шуки,  
Унинг қадрин билиб, кетиб келишидир.*

\*\*\*

*Қуръонни беш ёшда ёдлаганлар бор,  
Азалда ким бўлган қилинг эътибор.  
Мен-чи, бу ёшимда ҳарф танимасдим,  
Роса ўттиз ёшда бўлдим шифокор.*

\*\*\*

*Минг йилча сув ичиб қилганди мазза,  
Бир ташина хокидан ясалган кўза.  
Йигитга айланиб яна бир замон,  
Мўйлобин силарди ичганда бўза.*

\*\*\*

*Танализ руҳидан тушганда айро,  
Табиат тартибин қилади ижро.  
Қабримиз қоронғи, хоҳ ёруғ бўлсин,  
Кутарлар очкўзлар, кўзлари бежо.*

\*\*\*

*Гоҳида келамиз бўлиб бир гадо,  
Гоҳида шоҳ бўлиб бўламиз пайдо.  
Кимнинг зурриёди бўлиш қўлдамас,  
Қай тақдир битилса этамиз адо.*

\*\*\*

*Баъзан рост гаплар ҳам киярлар либос,  
Ривоят тўқилар ҳар бир ростга хос.  
Ёлғон ривоятдан динга не фойда?  
Бу диннинг путури кетказар холос.*

\*\*\*

*Бандага сизиниб яшасанг агар,  
Бу банда наздида эгарсан эгар.  
От бели меники дея қувонма,  
Банда отни эмас, сени ҳам минар.*

\*\*\*

*Мўъжиза қошидир чинданам олам,  
Хоҳ тирик, хоҳ ўлик бунда олмас дам.  
Ҳайратдан яқосин ушлаб қолувчи,  
Энг буюк мўъжиза чинданам одам.*



\*\*\*

*Мингга тўқсонни қўш, бир минг-у тўқсон,  
Яна минг ўнни қўш жудаям осон.  
Алданма йигинди уч минг бўлди деб,  
Ҳаёт бу синовчи буюк имтиҳон.*

\*\*\*

*Худо бор, модда бор, энергия бор,  
Бошқасин бор десак, барибир бекор.  
Агар биз борлиқни бор деб англасак,  
Йўқлик йўқ, сиз бунга қилинг эътибор.*

\*\*\*

*Боши берк кўчага кириб қолсанг ҳам,  
Ўзингни йўқотма бўл биров бардам.  
Ҳар қандай кўчанинг тепаси очиқ,  
Чин дилдан сўрагин, беради ёрдам.*

\*\*\*

*Бировники бўлса агарда сомон,  
Сувоқнинг ичида қолгани ёмон.  
Эшик деразадан кирса ҳамки нур,  
Будир тўрт деворли чинакам зиндон.*

\*\*\*

*Тақдирни қўл билан яратса одам,  
Қўлида бўларди келиш-кетиш ҳам.  
Хоҳласа келарди, хоҳламаса йўқ,  
Бир келиб кетибоқ олар эди дам.*

\*\*\*

*Бир ўйлаб кўрингчи, дунёда борсиз,  
Бор эса йўқ бўлмас яхши биласиз.  
Бир куни дунёдан эсим кетсангиз ҳам,  
Бир куни чинқириб қайтиб келасиз.*

\*\*\*

*Ҳаёт қаритса ҳам бизларни минг бор,  
Минг бор қийнаса ҳам бизларни рўзгор.  
Бир кун ўлим бор, деб гам чекмоқ печуи,  
Борлиқни гамхўри гам чекмас зинҳор.*

\*\*\*

*Вақтида келганмиз, эрта, кеч эмас,  
Бу келиб кетишлар қўлимиздамас.  
Вақти соатида уҳ, десак секин,  
Вақт келса чинқариб оламиз нафас.*

\*\*\*

*Биринчи нафасни чинқариб олдик,  
Сўнгги нафасдан сўнг эжим қола қолдик.  
Нафасни олдиғ-у, олмадик нима,  
На нафас йўқолди, на биз йўқолдик.*

\*\*\*

*Энергия борки, модда ҳам мавжуд,  
Бириси бўлмаса бўлар номавжуд.  
Рух бу – энергия, тана бу – модда,  
Демак рух мавжудки, мавжуддир вужуд.*

\*\*\*

*Маймундан яралган эмасдир одам,  
Онг ўсиб бориши рост-ку чинданам.  
Қайта туғилмаса, онг ҳам ўсмаса,  
Маймунни маймундек сақларди олам.*

\*\*\*

*Онг ўсиб бормоқда кунма-кун қаранг,  
Келажак олдида мендирман гаранг.  
Набирам олдида олимман десам,  
Бир савол берса бас, ҳолим бўлар танг.*

\*\*\*

*Энг катта армон бу ўлимдир аммо,  
Кетиб, қайтиб келса яна шу само.  
Армон қиладими ё қилмайдими,  
Қайта туғилишни келтирар бажсо.*

\*\*\*

*Тирик жон ўлимга маҳкумдир бир кун,  
Ҳаёт ёруғ кун-у, майли, ўлим – тун.  
Дарахт ўтин бўлиб ёниб кетса ҳам,  
Номавжуд бўлмайди на кул, на тутун.*

\*\*\*

*Умрингни сарф этма қаср қурмоққа,  
Жабр ҳам қилмагин тил, тиш-томоққа.  
Бузиб қайта қурса набиранг уйни,  
Жавоб тополмайсан сен бу жумбоққа.*

\*\*\*

*Тақдирда не бўлса кўрамиз барин,  
Билмаймиз тақдирда не сир яширин.  
Ҳатто туш кўриш ҳам қўлимиздамас,  
Бўлмаса ҳар бир туш бўларди ширин.*

\*\*\*

*Қиморбоз наздида ҳаёт бу қимор,  
Дорбознинг наздида будир баланд дор.  
Қиморбоз у деса, дорбоз бу дейди,  
Бир-бирин тушунган қани, қайда бор?*

\*\*\*

*Ҳисоб-китоб билан яралган олам,  
Оламда заррадир ҳар битта одам.  
Аввал қанча бўлса, ҳозир ҳам шунча,  
Бир зарра кам чиқмас охирида ҳам.*

\*\*\*

*Бир кун чақиб олса одамни илон,  
Арқошни кўрса ҳам чўчийди чунон.  
Озуқа бўлганда куп келиб бир кун,  
Яхшиям танадан чиқиб турар жон.*

\*\*\*

*Худойим ягона, Худо ягона,  
Бизлар парвонамиз, бизлар парвона.  
Кўнгилни тўқ қилинг ва кенгроқ қилинг,  
Қани ким ё нима унга бегона?*

\*\*\*

*Бир аёл ўзидан бўларди ҳайрон,  
Мол қўйни, майсани севарди чунон.  
Гороскоп кўрди-ю, лол бўлиб қолди,  
Олдинги ҳаётда экан у чўпон.*

\*\*\*

*Худо бор, модда бор, энергия бор,  
Оламда ҳеч нарса турмайди бекор.  
Тўғри текинтомоқ, порахўр бору,  
Рости гап улардан Худо ҳам безор.*

\*\*\*

*Табиатга зиён келтириб инсон,  
Ақлини, онгини пеш қилар ҳамон.  
Гавдаси, кучини пеш қилганлар ҳам,  
Қирилиб битганлар келганда замон.*

\*\*\*

*Нафсимиз устунми, устунми виждон,  
Нафс устунроқдир ҳеч қилма гумон.  
Бир сабаб бўлдики бу гапни дедим,  
Хоҳласанг ишонма, хоҳласанг ишон.*



\*\*\*

*Иложси борича узоқроқ яша,  
Келгансан ҳаётга довоқлар оша.  
Минг марта келсанг ҳам агар дунёга,  
Минг марта яшаб қўй, шунга яраша.*

\*\*\*

*Душмандан гапирма, сен дўстдан гапир,  
Юртим ёмон дема, бўлсанг мусофир.  
Узоқдаги қардош етиб келгунча,  
Ўлим ҳақ, ён кўшининг жагингни тангир.*

\*\*\*

*Бахилни жазосиз қолдиринг зеро,  
Бахиллик иллатдир, буям бир жазо.  
Ичи куяверса у нима қилсин,  
Унга раҳм қилинг, бўлинг бепарво.*

\*\*\*

*Кимдир ер юзини қилади обод,  
Яна ким борини қилади барбод.  
Қизиги шундаки ҳар иккиси ҳам,  
Қилган ишларидан бўладилар шод.*

\*\*\*

*Табиат гўзалдир бузмаса одам,  
У мудом яшайди бузганида ҳам.  
Бизларни қаритиб, ёшариш учун,  
Ўлимнинг қўлидан тутади маҳкам.*

\*\*\*

*Оламда ҳеч нарса кераксиз эмас,  
Қуриган дарахт ҳам ўтин бўлар бас.  
Ҳаёт бу қаритиб, чиритса ҳамки,  
Қани ким айтади, кимга керакмас?*

\*\*\*

*Асли яхши кўрар инсонни инсон,  
Инсончалик севмас, инсонни ҳайвон.  
Бир инсон бошига фалокат тушса,  
Менинг бу фикримни кузатиш осон.*

\*\*\*

*Ерилиш белиннат, зўр меҳмоннавоз,  
Гоҳида оқ рўмол ўраган танноз.  
Гоҳ эса куйиб ўл, дегандай қилиб,  
Яшилга бурканиб қилади пардоз.*

\*\*\*

*“Осмонда бир хўкиз номимши нарвин,  
Қўйида бириси кўтарар замин”.  
Шу содда тафаккур бўлмаганида,  
Тортилиши кучи ҳам бўлмасди тайин.*

\*\*\*

*Рухнинг табиатин билганда инсон,  
Марсда яшашга ҳам топирди имкон.  
Майли, бу ҳозирча шоир хаёли,  
Хаёл руҳ маҳсули бўлмангиз ҳайрон.*

\*\*\*

*Рухимга шу танам элиш бир зиндон,  
Зиндонми, қасрми қилайин баён.  
Тана тузилишин ўрганиб кўринг,  
Зиндон бу – гулистон бўлади аён.*

\*\*\*

*Оламни ҳижжалаб ўрганиб бўлмас.  
Қанча чуқур билсанг ё кўнгил тўлмас.  
Илм бир пичоққа соп бўлмаса ҳам,  
Шу сопдан тутарлар пичоқдан эмас.*

\*\*\*

*Тупроқни табиат туради намлаб,  
Осмон ҳам бу сувни олади гамлаб.  
Уруғни ундириб шу қаро ердан,  
Пардозни бошлайди ҳар тонг эрталаб.*

\*\*\*

*Дунёга келганмиз ҳаж қилмоқ учун,  
Яна ким келгандир важ қилмоқ учун.  
Бу дунё аслида ҳожихонадир,  
Лекин келмаганмиз ранж қилмоқ учун.*

\*\*\*

*Ҳаттоки ёвга ҳам бўлма беаёв,  
Енгил сув сепсанг ҳам учади олов.  
Тандирдаги олов беўхшов ёнса,  
Оловни жиловлаб ёндирар косов.*

\*\*\*

*Мияси лат ебон чекканда озор,  
Ўзга бир чет тилда сўзлаганлар бор.  
Қайта тугилишининг бу бир далили,  
Бироқ бундан бошқа далиллар бисёр.*

\*\*\*

*Қайтадан тугилиш мўъжиза эмас,  
Қайта тугилмаган одам ҳам бўлмас.  
Тана бунда қолса руҳ қайга кетар?  
Ҳар инсон шуни бир ўйлаб кўрса бас.*

\*\*\*

*Туш кўрдим тушимни сувга айтайин,  
Айтмайман тушимни сенга атайин.  
Олдинги ҳаётинг тушингда кўрсанг,  
Ҳеч кимга айтмагин, дерлар бетайин.*

\*\*\*

*Сўфи Оллоёрни кўп ёд этайлик,  
Ҳайём шеърларига қулоқ тутайлик.  
Румий, Навоийлар қайта тугилса,  
Яна нима ёзсин, нима кутайлик?*

\*\*\*

*Мен ҳам бир маҳаллар сув, тупроқ эдим,  
Лой бўлиб қорилгач, мен борман дедим.  
Сўнг эса номаълум сабабга кўра,  
Ажабо, наслимни гамини едим.*

\*\*\*

*Аёлнинг бойлиги дейдилар иффат,  
Ҳусни- жамоли ҳам жуда катта бахт.  
Ҳар қандай кўзгунинг орқаси қора,  
Хатарга элтади ҳар қандай лаззат.*

\*\*\*

Мен ҳам табиатман, сенман, табиат,  
Қўлингдан келса гар ўзингдан ажрат.  
Ўсимлик ё ҳайвон, гоҳ инсон бўлиб,  
Айланиб юрибман қилиб саёҳат.

\*\*\*

Ўтмиши бўлмасдан тугилмас одам,  
Келажак бўлмаса ёлгон дўзах ҳам.  
Қайта тугилишлар қиёмат қадар,  
Унгача тирик жон ололмайди дам.

\*\*\*

Ҳаёт нималигин осонми айтиш,  
Кўрганним айтайин бу озиқланиш.  
Унда ўлим нима, кўрмаганмиз-ку,  
Кўрмаёқ мен айтмай, озуқа бўлиш.



\*\*\*

*Тилагим, умримиз бўлсин-у узоқ,  
Бу тилак ҳамиша қўлдамас бироқ.  
Ҳозирча ҳеч кимга nasib қилмаган,  
Ўтмиш, келажакдан осон ажралмоқ.*

\*\*\*

*Мўъжиза бўлмаган нарса ўзи кам,  
Ҳар нарса мўъжиза минг бор кўрсанг ҳам.  
Мўъжиза эмасми кеча ва кундуз,  
Ер билан айлансам, буни сезмасам.*

\*\*\*

*Сой суви оқади пастликка томон,  
Сел келса тошлар ҳам оқар бегумон.  
Сув фалак сойидан тепага оқса,  
Тош пастда тўпланиб тоғ бўлмас ҳамон.*

\*\*\*

*Бизлар кўп келамиз еб-ичмоқ учун,  
Озуқа оламиз етилмоқ учун.  
Бизнинг тупроғимиз ҳали кўп керак,  
Чақалоқ ясашига лой қормоқ учун.*

\*\*\*

*Умр қисқа дерлар ортар фиғонинг,  
Наҳот камлик қилди олгани ёгинг.  
Ким сендан узоғу, ким камроқ яшар,  
Шукур қил, қараб кўй, у ёқ бу ёгинг.*

\*\*\*

*Бу дунё аслида катта томоша,  
Томоша кўрамиз довонлар оша.  
Томоша ҳаққини ундириш учун,  
Бизларни кутади қозон гўрпошиша.*

•

\*\*\*

*Танамиз сув бўлса ва бўлса тупроқ,  
Унамиз, майсамиз, бўламиз бошоқ.  
Нон бўлиб пишамиз, сўнг белда қувват,  
Ахири гўдакмиз йўргакда оптоқ.*

\*\*\*

*Қайта тугилишни қиламиз орзу,  
Ким бўлиб тугилиш бу бошқа мавзу.  
Бу ишлар бизларнинг қўлимиздамас,  
Тақдир тақвимини тузиб қўйган У.*

\*\*\*

*Дилингда не бўлса сен қогозга ёз,  
Инсон умри битса ўчар ун-овоз.  
Сендан келажакка ёзганинг қолар,  
Сен, мендан кўп яшар билиб қўй қогоз.*

\*\*\*

*Шеър аслин битганлар аслида бувам,  
Ва ҳисса қўнганлар бунга отам ҳам  
Фақат ўзи ёзган шоир бормикин?  
Бўлса ҳам бордир-у бунақаси кам.*

\*\*\*

*Ғурбатда ғариб ҳам бўлади шодмон,  
Борлигин шукрини қилолса инсон.  
Бор эдик, бор бўлдик ва ҳамон бормиз,  
Борлик шукрин қилиб, бўлайлик шодон.*

\*\*\*

*Ўсимлик наздида бордир шу макон,  
Ҳайвон шаксиз билар, бордир тирик жон.  
Гар инсон Худони ҳис қилмас экан,  
У инсон экани шубҳада ҳамон.*

\*\*\*

*Тиласанг аввало ўзингга тила,  
Бой бўлсанг йўқсилнинг бошини сила.  
Ўзгаларга тилаб тиланчи бўлма,  
Бандадан сўрама берса ҳам тилла.*

\*\*\*

*Тақдирни енгишга уринма зинҳор,  
Ўзингни енгишга сенда имкон бор.  
Дунёни тартибга соламан дема,  
Истакларинг бошқар, хом хаёл бекор.*

\*\*\*

*Омаднинг кетидан келса ҳам омад,  
Шубҳа қил келса ҳам ҳалол даромад.  
Омад юз ўгирса фикр қил нега?  
Камайиб боради мудом хушомад.*

\*\*\*

*Табиат тасвирин чизибоқ рассом,  
Бурчакка имзосин қўяди мудом.  
Табиат жонланай деганда эсиз,  
Имзо уни бузди, иш бўлди тамом.*

\*\*\*

*Қайта туғилишни мен қилдим калом,  
Майли баҳс қилсинлар келажак авом.  
Ҳаёт ҳақиқатин тан олмаганлар,  
Файласуф тентак денг, тамом вассалом.*

\*\*\*

*Яратган боғларим бўлганда сўлим,  
Қайга узатсам ҳам, етганда қўлим.  
Астойдил саждага бош қўяй десам,  
Ишининг пачавасин чиқарар ўлим.*

\*\*\*

*Бойсан деб сен менга қилма маломат,  
Бойлик ё гадолик буям бир ҳолат.  
Гадонинг чақаси, бойнинг тиллоси,  
Бойга-ю гадога асли омонат.*

\*\*\*

*Ёлгондир сўзлар ҳам, ёлгондир газал,  
Улама соч билан ўйнаса гўзал.  
Ростан ҳам инграса шу совуқ симлар,  
Менга шудир газал, шуниси афзал.*

\*\*\*

*Қошимда темир бор, бу аниқ маълум,  
Табиат ўйноқи, ҳаёт эса шум.  
Бир ҳайрат ортидан бошқаси келса,  
Муъжиза бу бошим бўлиб қолар гум.*

\*\*\*

*Еримиз айланиб олади лаззат,  
Қуёш порлаши-ку лаззатдир фақат.  
Борлиқда бор бўлиб қимирлаб туриш,  
Ва буни ҳис қилиш жуда катта бахт.*

\*\*\*

*Оламда ҳар зарра қилар ҳаракат,  
Ва бундан шубҳасиз олади лаззат.  
Ҳаракат бўлмаса йўқдир мавжудлик,  
Йўқликдан асрасин, йўқлик бу кулфат.*

\*\*\*

*Абадий уйқуни қилсак ихтиёр,  
Қиёмат бўлгунча бу орзу бекор.  
Уйқуга тўймаган мудроқ кўз билан,  
Яна шу дунёга келишимиз бор.*



\*\*\*

*Кетган келармиш-у, кетмонланган йўқ,  
Кетмонда бўлса гап демак кўнглим тўқ.  
Кетмон-у белкурак у ёқда турсин,  
Мени йўқ қилолмас замбараг-у ўқ.*

\*\*\*

*Чин дунё бағрида дам олар эдинг,  
Бу бесар дунёга нимага келдинг?  
Ўзимизда бўлса агар ихтиёр,  
Мен дарров келардим, сен келармидинг?*

\*\*\*

*Худо бор, модда бор, энергия бор,  
Борини ҳеч кимса қилолмас инкор.  
Бор бўлсак йўқ бўлиш қўлимиздамас,  
Қара бу оламни, қандай вафодор.*

\*\*\*

*Йўқни бор қилмаган бирор авлиё,  
Борни йўқ қилолмас илм-фан, кимё.  
Бор борки ва демак яратолган бор,  
Яратган йўқ деган, асли беҳаё!*

\*\*\*

*Худо бор, модда бор, энергия бор,  
Бу гапни линг марта қиламан такрор.  
Худо бор, Худо бор, шуни айтмасам,  
Қорним ёрилади, ёрсиз қолар ёр.*

\*\*\*

*Ўлмасдан туриб ҳам ўлолса одам,  
Худодан бошқасин демасди бир дам.  
Авлиё оталар шундай йўл билан,  
Ишқнинг йўлини танлаб қўйганлар қадам.*

\*\*\*

*Худо бошқа борлиқ, биз бошқа борлиқ,  
Бизлар энергия, моддамиз тўлиқ.  
Ажабо моддалар энергияга,  
Гоҳида йўл бериб, гоҳ қўяр тўсиқ.*

\*\*\*

*Бугдойни чайнаб еб кўрдим бир сафар,  
Шунақа оғзимни қилдики бесар.  
Нонни кашф қилганлар Нобелга лойиқ!  
Ёзилса буям кам том-томлаб асар.*

\*\*\*

*Оламдан йўқолиб кетолган ким бор?  
Яқин йўлатмаса ёнига чин ёр.  
Синовчи дунёда ўзини поклаб,  
Покман деб айтишига қани ким тайёр?*

## МУАЛЛИФДАН

Мен деярли ҳар бир инсон каби бир умр тана ва рух бирлиги ҳақида ўйладим, шу ҳақида ҳаёл суриб яшадим. Мен ёшлигимдаёқ агар инсоният тана ва рух бирлигини ўргана олса, ўлимнинг олдини олиш мумкин деган ўйда эдим. Афсуски, мен қачонки тана ва рух бирлиги ҳақида ўйлаганимда, ҳали дунёни англай олмаган, лекин, бешигига осилган ўйинчоққа кизиқиб, унга қўл чўзаётган боладай ҳис қилардим ўзимни. Лекин ўтган умримга сираям ачинмайман, зеро, биз рух деб атайдиган нарса аслида энергиянинг ўзига хос бир тури эканлигини англаб етдим-ку. Нафақат рухнинг, балки, тананинг ҳам абадийлигини, ҳар бир жонзотнинг қайта-қайта дунёга келаётганини англаб етганим камми?

Дарвоқе, менинг шеърим узок келажакда илм излаган авлодларимизга озгина бўлсада аскотиб қолишидан ҳам умидим йўқ эмас.

Ўз фикр ва мулоҳазаларимни шеър орқали билдириш менга осон бўлгани учун, шу йўлни танлаб қўя қолдим. Аслида эса мен шифокорман ва ўзимни ҳеч қачон шоир деб ҳисобламайман.

2017 йил, август.

*Адабий-бадиий нашр*

Нажмиддин ЭШОНОВ

# У ДУНЁДАН ҚАЙТМАГАН КИМ БОР?

*(Туртликлар)*

**Мухаррир:**

*Ж. МУСЛИМ*

**Техник муҳаррир:**

*Н. НАСИМОВ*

**Дизайнер:**

*Ш. ЭШОНОВ*

**Мусахҳих:**

*М. ЭШОНОВА*

Теришга берилди 29.08.2017. Босишга рухсат этилди 29.09.2017 й.  
Бичими 60x42 1/8, Ҳажми 5 босма табок. Буюртма № 1327  
Адади 1000 нусха. Бахоси келишилган нарҳда.



**“НАМАНГАН” НАШРИЁТИ**

Наманган шаҳри, Навоий кўчаси, 36.

Нашриёт лицензия рақами АІ – 156

2009 йил 14 августда берилган

**“Заковат” нашриёт уйи МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.**

Манзил: Косонсой шаҳар, Чорбоғ кўчаси, 17- уй.

Najmiddin ESHONOV

# U DUNYODAN QAYTMAGAN KIM BOR?



«Namangan»  
nashriyoti  
2017

UO`K: 821.512.133-1

KBK: 84 (5 O`zb) 7

E-3

*Najmiddin Eshonovning qisqa va lo`nda to`rtliklarini o`qir ekansiz, go`yoki o`zingizni butun olam bilan uyg`unlashib ketgandek his qilasz.*

*To`g`ri, muallifning o`ziga hos falsafasini tushunish, unga ishonish qiyin.*

*Lekin uning fikrlarini rad etish esa undan-da qiyinroqdir.*

*Har holda o`z davrida "Tig`siz jarroh" nomini olgan bu inson bir necha o`n minglab bemorlarni umurtqa pog`onasida kechadigan og`ir amaliyotlardan saqlab qola bildi. Ushbu to`rtliklar uning hayot haqidagi o`ylari va mushohadalarining samarasidir.*

***Xullas, u dunyodan qaytmagan kim bor?***

*Bu g`alati savolga javobni esa, uning she`rlarini o`qib chiqqaningizdan keyingina topa olarsiz degan umiddamiz.*

ISBN 978-9943-4929-1-2

© Najmiddin ESHONOV

© «Namangan» nashriyoti, 2017

## SO'ZBOSHI O'RNIDA

*Har narsanikim zamon buzib bor aylar,  
Dunyoï xazinabon uni yig`ib bor aylar.  
Mayl etsa-yu, o`z asliga evrilsa falak,  
G`oyib pardasidin haq yana oshkor aylar*

**Abu Ali Ibn Sino**

Najmiddin Eshonov – 1957-yilda Yangiqo`rg`on tumani, Birlashgan qishlog`ida usta duradgor oilasida tavallud topdi. U ning otasi Ziyodulla Najmiddinning uch yoshligidayoq vafot etadi. O`spirinlik kezlaridan boshlab yosh Najmiddin tana va ruh birligi haqida mulohazalar yuritadi.

Ruhning moddiy jihatdan mavjud yoki mavjud emasligi to`g`risida fikrlab, hatto yadro fizikasini ham chuqur o`rganib chiqadi. Biroq, u kutgan natijani bermagach, u masalaning yechimini tibbiyotdan qidiradi. Ana shu maqsadda Andijon tibbiyot oliygohiga o`qishga kiradi.

O`qishni tamomlagach, bir qator tibbiyot muassasalarida hakimlik qiladi

O`zini xalq tabobatida sinab ko`rish maqsadida qadimgi tabiblar haqida yozilgan kitoblarni mutolaa qilishga kirishadi. Va umurtqa kasalliklarini qo`l bilan davolash usullarini mukammal o`rganadi. O`z faoliyati davomida minglab bemorlarni davolashga erishdadi.



Yuqoridagilar Najmiddin Eshonovning hayot faoliyatining bir tomoni, Najmiddin Eshonov bolalikdan she'riyatga oshno bo'lib, Jaloliddin Rumiy, So'fi Olloyor, Boborahim Mashrab, Umar Hayyom, Abu Ali ibn Sino va boshqa salafimiz ijodini o'rganib keladi. Natijada o'zi ham to'rtliklar yozadi. Taqdir taqazosi bilan Najmiddin Eshonov bilan bir adabiy tadbirda tanishib qoldik. Yozganlarini o'qish jarayonida to'rtliklaridagi mazmun-mohiyat o'sha bolaligidagi orzular ekanini anglab yetdim. Zukko o'quvchi to'rtlik yozish biroz murakkabligini yaxshi biladi. Najmiddin Eshonov ana shu qiyinchilikdan cho'chimasdan falsafiy fikrlarini she'rga soladi.

To'rtliklarining mavzulari xilma-xil. Insonni faqat va faqat ezgulikka, dunyoning bevafoqligi, insonlarga yaxshilik qilib qolishga, havoyi nafsning nayranglariga uchmaslikka chaqirdi. Bu chaqiruv uning qalb amridir.

Men qalb amriga bo'ysunib qalam tebratayotgan qalam-kashning kelgusidagi ijodlariga ulkan rivojlar tilayman

**Jamoliddin MUSLIM,**  
*O'zbekiston yozuvchilar uyushmasi*  
*Namangan viloyati bo'limi mas'ul kotibi*

*Bilmadim dunyoga nega kelamiz?  
Buyursa oq sut-u nonga yetamiz.  
Ozuqa bo'lishga chinqirib kelib,  
Ozuqa bo'lishga jim-jim ketamiz.*

\*\*\*

*Gul uzsang-uzmasang so'liydi bir kun,  
Yor quchsang quchmasang o'tar o'sha tun.  
Nikoh oqshomiday o'tkaz har tuning,  
G'ariblik yomondir, bo'l bag'ri butun.*

\*\*\*

*Men o'lsam qabrimga gul eking, biroq,  
Ildizin tanamga eking yaqinroq.  
Mayliga, tanamdan ozuqa olsin,  
Gul tezroq ochilsin, yashnasin yaproq.*

\*\*\*

*Dunyoga kelamiz takror va takror,  
Har yurtga kelganday hamisha bahor,  
Bir oqib o'tgan suv qayta oqmasa,  
Qurib qolardi-ku anavi anhor.*

\*\*\*

*Bu go'zal bir mahal bo'lgandi rayhon,  
Gohida yashnagan, goh bo'lgan xazon.  
Endi ayol bo'lib, kelib dunyoga,  
Rayhon bo'lmadi-yu, bo'ldi Qizlarxon.*

\*\*\*

*Xayotdan umidin uzgandi bir chol,  
Xastaydi og'irroq, edi bemajol.  
O'limi oldidan bir yengil tortdi,  
Qaytib kelishini qilarkan xayol.*

\*\*\*

*Dunyoga kelgan bu yangi chaqaloq  
Dunyodan ketuvdi bizdan oldinroq.  
Ishona olmasang bu xaqiqatga,  
Bu charxning ishiga, qilmishiga boq.*

\*\*\*

*Mangu qola olmas qabrda inson,  
Baribir bir kuni ko'radi osmon.  
Tayyorlab qo'yishar yana bir kuni,  
Unga bitta sumak, yoki quyushqon.*

\*\*\*

*Necha bor minamiz bu tobut toyni,  
Necha bor qiynaymiz bu yuzi oyni.  
Kelish ham ketish ham qo'limizdamas,  
Yo'qsa qiynamasdik bu oy-u toyni.*

\*\*\*

*Odam yeb to'yishmas yerning bu ishi,  
Qo'ldamas ,kimni yeb, kimni qo'yishi.  
Faqat oziqlangan tanani olib,  
Boshqa bir tanaga berish tashvishi.*

\*\*\*

*Ulkim har zarrani bino qilibdur,  
Bag'rida ulkan kuch paydo qilibdur.  
So'ng esa zarrani bo'lib ikkiga,  
Birini biriga shaydo qilibdir.*

\*\*\*

*Ruhimiz ildizi aslida olov,  
Siz meni telbaga chiqarmang darrov.  
Xom go'shtning ta'mini olovdan boshqa,  
Nima o'zgartirar, men qilsam so'rov.*

\*\*\*

*Dunyoga kelibsan bo'lib tirik jon,  
O'ylab ko'r hayoting yaxshimi, yomon.  
Biron bir insonning biron kunini,  
Yashab ko'rolganmi biron ta hayvon.*

\*\*\*

*Rostdanam ba'zida qolaman hayron,  
Ba'zilar bo'yniga solganda arqon.  
Qaniydi olamdan yo'qolib ketish,  
Hal bo'la qolsaydi bermak bilan jon*

\*\*\*

*Anavi qabrda o'smoqda shuvoq,  
Manavi qabrdan o'sibdi yantoq.  
Biz ham go'rimizdan ko'karib chiqsak,  
Bizlar ham maysamiz yoki gul yaproq.*

\*\*\*

*Bizlar ozuqamiz yaproqqa biroq,  
Nimaga ozuqa bo'larkin yaproq.  
Hammaga ma'lumku bu charxning ishi,  
Yaproqni yeydi-da, bir kun bo'taloq.*

\*\*\*

*Olovni saqlardi bag'rida o'tin,  
Bir kuni chiqardi gurillagan un.  
Quyoshdan olgandi bu jon olovni,  
Jon chiqib ketdi-yu, qoldi kul-tutun.*

\*\*\*

*Murdani mumiyolab olimi jahon,  
Bilimin ko'rsatdi bizlarga chunon.  
Uni o'z holiga qo'yganda esiz,  
Tabiat berardi tezroq unga jon.*

\*\*\*

*Xayom ko'za quchdi, menchi jonona,  
O'zimizdan g'amni qildik begona.  
Ko'za ham jonon ham vafo qilmagach,  
Vafodor tomonga ketdik mastona*

\*\*\*

*Tuproqdan ko'zani yasab ko'zugar,  
O'zicha ko'rsatar ajoyib hunar.  
Men unga toahad sajda qilardim,  
Ko'zamas, tuproqni yaratsa agar.*

\*\*\*

*Qur'onni tushunib o'qish shart emas,  
Bizlarga o'qishdan foyda bo'lsa bas.  
Chunki yaratilgan narsalar bari,  
Yaratgan zotini tushungan emas.*



\*\*\*

*Abadiy uyquga ketarmish odam,  
Qaniydi rost bo'lsa bu gap chindanam.  
Hayotdek jonona turtkilayverib,  
Tinch qo'yib qo'ymasov, biroz olgach dam.*

\*\*\*

*Bir qamish yig'lardi bo'lganidan nay,  
Nolasin to'kardi xuddi odamday.  
Bu qamish bir mahal bo'lgandi odam,  
Nolasin boshqacha to'ksinam qanday?!*

\*\*\*

*Tortishib qolsalar hayot, suv, olov,  
Suv qaynab ketadi olovda darrov.  
Olovni o'chirar qaynasa ham suv,  
Hayot g'olib kelar o'ynatib garrov.*

\*\*\*

*O'tganlar o'tsa-yu, qaytmasa agar,  
Umr ham berilsa faqat bir safar.  
Hayotdek mo'jiza yo'qolib ketib,  
Tanamiz go'rda yo'q topmasdi basar.*

\*\*\*

*Yashayman, yashaysun oh, mening erkam  
Mavjudman, mavjudsan xatto o'lsak ham.  
Yana qaytib kelsak zamonlar osha,  
Qaniydi unda ham men seni topsam.*

\*\*\*

*Men qaytib kelmayman derdi bir odam,  
Yo'qolib ketaman bir kuni o'lsam.  
Sal o'ylab gapirgin, hatto sen tugul,  
Olam yo'qotmaydi bir zarrani ham.*

\*\*\*

*Qadimiy narsaga qarasa odam,  
O'ylanib qoladi negadir bir dam.  
O'zi yasaganday ko'rgan narsasin,  
Yoqtirib qoladi qo'pol bo'lsa ham.*

\*\*\*

*Hayotdan ketuvdik ming yil oldinroq,  
Shum o'lim bizlarga qo'yganda tuzoq.  
Endichi biz yana keldik dunyoga,  
Tanimay turibsan sen meni o'rtoq.*

\*\*\*

*Hammaga ma'lumki oltin zanglamas,  
Chunki u temirday nafas ham olmas.  
O'ziga qolsa-ku zanglab ketsa ham,  
Chirib ketsa hamki olardi nafas.*

\*\*\*

*Bizlar oltinmasmiz olamiz nafas,  
Bir ruhga bir tana hamisha qafas.  
Tana o'zgarmasa ozgarmasdi ruh,  
Afsuski bu qafas oltindan emas.*

\*\*\*

*O'laman bir kuni o'ligimni siz,  
Nimalar qilishni yaxshi bilasiz.  
„Fotiha“ surasin yaxshi ko'raman,  
Bechora, deb meni duo qilasiz.*

\*\*\*

*Zamondan nolima o'zgarmas zamon,  
G'am tashvish beradi insonga inson.  
Undan ham yomoni yomonlik qilib,  
Bu ishni Xudoga yo'ygani yomon.*

\*\*\*

*Yerdagi xaqiqat bo'lmasa bo'lmas,  
Ba'zida bukilsa ba'zan bukilmas.  
Lekin osmonda bir haqiqat borki,  
Bukaman deganni sindirar besas.*

\*\*\*

*Men jonon bilan-u may bilan Hayyom,  
G'oho halol bo'ldik, gohida harom.  
Ammo jonona ham may bilan birga,  
Vafoning bobida bo'ldilar g'irrom.*

\*\*\*

*Tulkining nayrangin mensimas tozi,  
Har inson ajabo aqlidan rozi.  
Teng tortmay, teng qilib ko'rsatib qo'ygan,  
Aqlni o'lchagan qanday tarozi?*

\*\*\*

*Inson o`z rizqini yaratmoq uchun,  
Tinmayin ter to`kar nimaga, nechun?  
Toshni ham yoribdi anavi giyoh,  
Ozuqa bo`lishga hayvonga bir kun.*

\*\*\*

*Ruhni men quvvat deb qilaman davo,  
Tanamga harakat etganda ato.  
Agarda bu quvvat ketsa tanamdan,  
Jismimni yer olar, ruhimni havo.*

\*\*\*

*Uzumni totib ko`r, mazasi shirin,  
Bilmaymiz sharbatning na mayning sirin.  
Birisi xush bo`lsa , biri xushsizlik,  
Bilmaymiz biz bunda ne sir yashirin.*

\*\*\*

*Dunyoku bu go'zal tomoshadir boq,  
Toparsan doimo undan ovunchiq.  
Xattoki zulmat ham ko'z tegmasin deb,  
Minglab yulduzlardan taqmish-ko'zmunchiq.*

\*\*\*

*Termulib turuvdim men bo'lib halak,  
Pardasin ochar deb ko'kdagi malak.  
Suv sepih ustimdan kuldirib kunni,  
Kamalak jamolin ko'rsatdi falak,*

\*\*\*

*Oziqlanib, bo'lgach, ozuqa bo'lsak,  
Qabr qozonida limmo-lim to'lsak.  
Chiday olarmidik bunday azobga,  
Nodonmiz o'limni biz nohaq desak.*

\*\*\*

*Mayliga, bu safar tez o'tdi umr,  
Vaqtga-ku aytmaymiz, xoy, sekinroq yur.  
Endi butun umid qaytib kelishdan,  
Ilohim, ishqilib sen shuni buyur.*

\*\*\*

*Menga kop yoqadi olami jahon,  
Ayniqsa hayotdek juda sho'x jonon.  
Olamdan yo'qolib ketmay kutarman,  
Jon-jon deb yashardim yana bersa jon.*

\*\*\*

*Men nima qilayki yashagim kelsa,  
Uzoqroq yashayin umrimni bersa.  
O'limni kim qilar ayting ixtiyor,  
Hayotdek jonona qosh qoqib tursa.*



\*\*\*

*Tanamni tark etsa ruhi bevafo,  
Shu bilan hammasi bo'lmaydi ado.  
Taqdirdagi tana endi kim bo'lar?  
Balki bir shox bo'lar, balki bir gado.*

\*\*\*

*Aslida qilmasak bo'ladi armon,  
Dunyoga kelganmiz bo'lib tirik jon.  
Gohida insonmiz, gohida gulmiz,  
Gohida chinormiz, goh maysa nimjon.*

\*\*\*

*Mening tuprog'imdanda ko'za yasalsa,  
Yana kim ko'zani daryoga solsa.  
Tan berib qo'yardim bir kunlik suvni,  
Mening bo'g'zimdan-da ortig'in olsa.*

\*\*\*

*Oldinga intilish va ortga chopish,  
Abadiy ishimiz kelish-u ketish.  
Bizni chalg'ituvchi hech qanday yo'l yo'q,  
Bo'lgani shu ekan, qilmaylik tashvish.*

\*\*\*

*Azalda bir o'lib ko'rganday inson,  
Qo'rqadi qiynalib berishidan jon.  
Yana bilmadimu, o'lim kelganda,  
Bizlar yo'q bo'lamiz, bo'lmaymiz bir on.*

\*\*\*

*Tushini aytardi falonga falon,  
Uchib yurganmish-u, tiniqmish osmon.  
Bu tushni aytganda burgutga burgut,  
Tushuna olardik bu tushni oson.*

\*\*\*

*Baliqchi qo'lida bo'ladi qarmoq,  
Amaldor rizqini terar til tomoq.  
Nima kasb qilsang ham sen obdan o'yla,  
Qozining qo'lida bo'ladi sirtmoq.*

\*\*\*

*Tanamiz shubhasiz bunda qolg'usi,  
Ruh joyi jannat yo do'zax bo'lg'usi.  
Tanamiz suv, tuproq, yani loyqa suv,  
Bilmadim ruh qanday toza bo'lg'usi.*

\*\*\*

*Yashab qo'y dunyoda bo'lib betakror,  
Izlardek yo'qolma yoqqanida qor.  
Nabirang og'zingga suv tomizganda,  
Sengamas achinsin dunyoga bir bor.*

\*\*\*

*Azalda borliqni qilguncha paydo,  
Yo'qlikni yaratgan undan avvalo.  
Yo'qni ham yaratish, bor paydo qilish,  
Bilmadim qanchalik sirli bu duo.*

\*\*\*

*Yor quchsang yoring shod, sen bo'lasan shod,  
Olam shod bo'ladi, beshiging obod.  
Shayton-chi xasaddan kuyib ketarmish,  
Shaytonni kuydirib yasha umrbod!*

\*\*\*

*Tanamiz ruhidan bo'lsa ham judo.  
Xattoki osmonda so'nsa ham zuhro.  
Nima bo'lgandayam bularning bari,  
Olamdan hech qachon tushmaydi ayro.*

\*\*\*

*Baliqchi tashlasa daryoga qarmoq,  
Qarmoqqa ilinar bir dardi tomoq.  
Yo Rab, tirik o'lik minsa tobutga,  
Yelkaga chiqsa bas tashlaydi sirtmoq.*

\*\*\*

*Tirikmiz , to'g'risi yeb, ichmoqdamiz,  
Ba'zan nafs so'ziga ko'p uchmoqdamiz.  
Qancha ko'p semirsak shuncha yaxshidir,  
Bir kuni yetilsak, mo'l ozuqamiz.*

\*\*\*

*O'ta kuchli tabib, deyishar meni,  
O'zimga qarayman o'sha kuch qani?  
U berar shifoni rostini aytsam,  
Men bo'lsam olaman buning haqqini.*

\*\*\*

*Birinchi egilish sajdada bilgil,  
Birov yiqilsa ham turg'izsang egil.  
Unardan-unmasga egilaversang,  
Qaddingni bukarlar buni yaxshi bil.*

\*\*\*

*Haq bu tomoshabin, tomosha inson,  
Hayot ostin-ustun bo'lmasa iymon.  
Uning donoligin, haqligin ko'rki,  
Tomosha tugardi bo'lmasa shayton.*

\*\*\*

*Bir omborda turmas, don bilan somon,  
Shuning chun ekkandin o'radi dehqon.  
Sen bunda o'limning hikmatini ko'r,  
Bir go'rda turmaydi tana bilan jon.*

\*\*\*

*Olovni tilsiz yov, deydilar biroq,  
Bu gapga ishonish ancha qiyinroq.  
Agarda yov bo'lsa birgina shayton,  
Qolgan farishtalar do'stlar-ku o'rtoq.*

\*\*\*

*Oltmish yil yeb- ichib to'lmadi qornim,  
Shu teshik qopni deb bilmadim tinim.  
Oziqlana-oziqlana ozuqa ,bo'lsam,  
Hali kerak ekan ko'p yeb-ichishim.*

\*\*\*

*Shimolda yo g'arbda bir gap bor emish,  
Ba'zilar nazdida ruh yo`q narsamish.  
Ajabo poyma-poy gaplarga ko`ra  
Ruh o`zi yo`qmish-u ruhshunos bormish.*

\*\*\*

*Yer hosib, kun ko'rib yashaylik hunda,  
Hayotning lazzatin olaylik kunda.  
Yeb-ichib bir kuni ozuqa ho'lsak,  
Dunyoning savobi aslida shunda.*

\*\*\*

*Olamga kelganmiz, ketmak qo'ldamas,  
Biz bugun tirikmiz, o'lmaq qo'ldamas.  
Ming bor oziqlanib, ozuqa ho'lsak,  
Nimaga ozuqa bo'kmak qo'ldamas.*

\*\*\*

*Ulug'lik da'vosin qiladi inson,  
Hamisha qidirar u bunga imkon.  
Asli nimasi bor gunohdan boshqa,  
Nima o'ziniki tanami yo jon?*



\*\*\*

*Olamga harakat berar ming karra,  
Olovning dastidan tinmaydi zarra.  
Olov, ruh va tana chopmoqda birga,  
Chopishdan maqsad ne,qayoqda marra?*

\*\*\*

*Tanamiz aslidir shaksiz obu gil,  
Ruhimiz hayotning oqimi, ey dil.  
Hayotiy oqimning aslini so'rsang,  
Ruhdagi bir xirsdir hoh bilma, hoh bil.*

\*\*\*

*Ruhimiz aslidir aslida olov,  
Mayli har narsadan o'ynayman garrov.  
Tanamiz loyqa suv, shuning uchun ham,  
Bu olov yonmaydi gurillab lov-lov .*

\*\*\*

*Tomchi suv daryoda yo`qolib ketsa,  
Chang yerga qo`nsa-yu ko`milib ketsa.  
Qaniydi bu ishlar jo`ngina bitib,  
Bir chivin tug`ilsa va o`lib ketsa.*

\*\*\*

*Bugun biz tirikmiz aziz zamondosh,  
Qachondir bo`lamiz biz yana qondosh.  
Olamdan yo`qolib ketish qo`ldamas,  
Kelib-ketishlarga beramiz hardosh.*

\*\*\*

*Har neni poklaydi aslida otash,  
Nahotki, do`zahdan maqsad azoblash.  
Allohning mehrini unutma bir dam,  
Maqsadi gunohkor ruhingni poklash.*

\*\*\*

*Boyda aql bo'lsa zig'ircha agar,  
Dunyoga bir hoqib yig'ar edi zar.  
Ko'rib qoy odamzod molning qozig'in,  
Qalbgamas hamisha bir yerga qoqar.*

\*\*\*

*Qabrtosh qo'ymangiz qabr poyimga,  
Hurmatim joyida tobut toyimga.  
Yodgorlik, qabrtosh nimaga kerak?  
Qaytib kelamanku ketgan joyimga.*

\*\*\*

*Meni sen o'ldi deb qilmagin xato,  
Jonimni qo'lingda olsang ham xatto.  
Mavjudman, mavjudsan zamonlar osha,  
Qaytamiz tabiat jon etsa ato.*

\*\*\*

*Siz meni o'ldi deb qilmang haqorat,  
Hech yo`q janozamda qilinglar izzat.  
Ketdi deng, qaytar deng va duo qiling,  
Qaytib kelishimni tilanglar faqat.*

\*\*\*

*Yaxshimas odamning to'kilsa qoni,  
Molin ol, mayliga, bo'lsa imkoni.  
Qo'lingni qon qilib jon olmoq nechun?  
Kerakmas birovga birovning joni.*

\*\*\*

*Avvalgi hayotdan inson kamoli,  
Xattoki ilmi ham, husni jamoli.  
Tug'ma talantlar-u, iste'dodlar ham,  
Qayta tug'ilishning yorqin misoli.*

\*\*\*

*Donolik ortganda qayg`u ortadi,  
Shum o`lim dononi go`rga tortadi.  
Hayotdek jonona uning so`zlarin,  
Qoshiga surtadi, ko`z yosh artadi.*

\*\*\*

*Dunyoga sen qayta kelasan dedim,  
Nahot malol keldi, senga bu gapim.  
Ahir bu haqiqat qo`limizdamas,  
O`limday soddamas hayotiy oqim.*

\*\*\*

*Eng qiyin narsa bu o`zini anglash,  
Bu yo`lda yaxshisi donoga yondash,  
O`zini anglamay ketish dunyodan,  
Hayvondek yeb-ichish, quruq valaqlash.*

\*\*\*

*Hayotdan dadilroq tuyular o'lim,  
Oziqlanib bo'lgach, ozuqa bo'ldim.  
Hayot bu eng kuchli jarayon bo'lsa,  
O'lim chorasizlik, oddiy bir tinim.*

\*\*\*

*Hayotda yashash ham asli jasorat,  
O'lim umidsizlik, buyam bir holat.  
Umid uyg'onsayu, qayta tug'ilsak,  
Endi bu jasorat, omad hamda baxt.*

\*\*\*

*„Qayta tug'ilish“ga qo'l urdim, biroq,  
Buni isbotlashim ancha qiyinroq.  
Ammo shubhalarni urganda yashin,  
Haqiqat chaqnaydi misoli chaqmoq.*

\*\*\*

*Dunyoga keldingmi yashamay ko 'r-chi?  
Rizqingda osh bo'lsa oshamay ko 'r-chi?  
Hayotxon o 'ynatsa raqqosa qilib,  
Ulama soch bilan o 'ynamay ko 'r-chi?*

\*\*\*

*Dunyoga keladi, ketadi odam,  
Dunyodan ketmasa kelmas edi ham.  
Shunday yo 'l bilan u abadiyatga,  
Qo 'ygan qadamini uzolmas bir dam.*

\*\*\*

*O 'zi yosharishni sevar tabiat,  
Mudom o 'limga ham beradi navbat.  
O 'lim yosharishning sababi bo 'lsa,  
Hayot ulg 'aytirib, qaritar faqat.*

\*\*\*

*Otasi otmagan edi qo'ng'izni,  
Bolasi otibdi endi to'ng'izni.  
Oldingi hayotda bu mergan bola,  
Qiyratgan bir yo'la o'nlab qunduzni.*

\*\*\*

*Hayot oziqlanish hammaga ayon,  
Ozuqa bo'lish ham turar yonma-yon.  
Taqdirni qarangki osmonda uchar,  
Boya bir burgutga yem ho'lgan quyon.*

\*\*\*

*Bu dunyo sinovchi dunyo deydilar,  
Ruhingiz poklanmas, balki poklanar.  
Menimcha „men“idan kecholgan odam,  
Shubhasiz Xudoga yaqinroq bo'lar.*



\*\*\*

*O'zingizni anglang siz yagonasiz,  
Azalda bo'lgansiz, hozir ham borsiz.  
Qayta tug'ilsangiz ming yildan keyin,  
O'sha bir yagona bu siz bo'lasiz.*

\*\*\*

*Dunyodan ketsag-u ozuqa bo'lsak,  
Yaproqni yashnatib, gulda ochilsak.  
Aslida bu ham bir jarayon bo'lib,  
Qayta tug'ilishdan beradi darak.*

\*\*\*

*Komillik da vosiq qilmagil zinhor,  
Olamga qilmasdan mudom e'tibor.  
E'tiborsiz bo'lsa it egasiga,  
Och qolib oxiri o'lar bo'lib xor.*

\*\*\*

*Azalda bor edim, sen ham bor eding,  
Unda ham oppoq yuz hir dildor eding.  
Qattiq sevishimni sababin so'rsang,  
U dunyo, bu dunyo, menga yor eding.*

\*\*\*

*Qantydi ketishda bir belgi qo'ysak,  
Yoki belgi qo'yish yo'lin topolsak.  
Qaytib kelsak hamki ming yildan keyin,  
O'zimizni topib shod bo'lib o'lsak.*

\*\*\*

*Bu olam bag'riga singib ketsak ham,  
Unda ham bilib qo'y bilmaymiz tinim.  
Muhimi jon kirib, chiqishda emas,  
Harakat to'xtashi qiyomat qoyim!*

\*\*\*

*Azalda gul eding o, sohibjamol,  
Bunga misol bo'lar yuzing bemalol.  
Gulday ochilishing sirin aytmasang,  
Mehrini toblanishin sirin ayta qol.*

\*\*\*

*Bu gul ham bir mahal bo'lgandi ayol,  
Ko'payish sirini qilgandi xayol.  
Kecha g'uncha edi, endi ochilib,  
Bulhulni sayratar, qarang bemalol.*

\*\*\*

*Azaldan qo'yganmiz olamga qadam,  
Goho sust bo'lganmiz, gohida bardam.  
Abadiy borliqda bor bo'lib turish,  
Bu shart buzilmagan, buzolmaymiz ham.*

\*\*\*

*Qayta tug'ilmasa agarda inson,  
Umuman olganda biron tirik jon.  
Oziqlanish yo'lin, tiriklik shartin,  
Aytaylik, emishni kim aytgan, qachon?*

\*\*\*

*Poygada ot yutdi, terlab boyaqish,  
Otda na g'urur bor, na bir maqtanish.  
Hayvondan insonning farqini qarang.  
Chavandoz gerdayib oladi olqish.*

\*\*\*

*Bizlar yo'qolmaymiz o'lib ketsak ham,  
Olam yo'qolmaydi, bo'lmas ortiq- kam.  
Afsuski tana-ruh tushganda ayro,  
Biz uchun yo'qolar bu borliq olam.*

\*\*\*

*Ruh moddiy, aslida bor energiya,  
Mening aytganlarim emasdir g'oya.  
Ruh, qayta tug'ilish, bularning bari,  
Safsata emasdir biologiya.*

\*\*\*

*Loyqa suv tanadan ruh topmish makon,  
Bormi pok bo'lishga ozgina imkon.  
Pokiza, top-toza bo'lgunga qadar,  
Yana o'sha tana, yana o'sha jon.*

\*\*\*

*Yoshlikdagi sevgi chin sevgi biroq,  
Nikohga yetmasa ayriliqdir boq.  
Qariganda sevsang yosh bir jononni,  
Nikohlab olsang ham deydilar ahmoq.*

\*\*\*

*Ertadan nimadir kutamiz biroq,  
Ertamiz bor yo 'g'in hilmaymiz o 'rtoq.  
Noma 'lum ertani kutgandan ko 'ra,  
Uzoq ertalarni kutgan yaxshiroq.*

\*\*\*

*O'lmasdan qarisa yo kasal bo 'lsa,  
Bo 'lsa tana va ruh masalasi hal.  
O 'lim hal bo 'lsada , ammo hayotning .  
Qaritish xislati berardi halal.*

\*\*\*

*Miltillab tursa ham, yonsa ham lov-lov,  
Borligin his qila olmaydi olov.  
Ruhimiz olovning shunday hiliki,  
Tana o 'zgarsa bas, o 'zgarar darrov.*

\*\*\*

*Tana o'ziga hos, ruhadir libos,  
Libos eskirganda ruh bo'lar xalos.  
Ruh asli mavjud bir energiyaning,  
His qila oluvchi bir turi xolos.*

\*\*\*

*O'zin yoshartirib turar tabiat,  
Hayotning ishidir qaritish faqat.  
Unga ham, bunga ham yon bosmaydigan,  
Faqat o'limdadir buyuk haqiqat.*

\*\*\*

*Tabiat bizlarga qiladi hizmat,  
Avval tirik edi biz yegan ovqat.  
Bizlar oziqlanib, ozuqa bo'lsak,  
Na insof yo'qolar va na adolat.*

\*\*\*

*Shohona hayot-u, yosh-yosh jononlar,  
Har kun aysh-u ishrat, lazzatli oshlar.  
Bunday hayot yo'lin tanlagay mudom,  
Iymondan, aqldan ayro tushganlar.*

\*\*\*

*Olamdan yo'qolib ketmaymiz zinhor,  
Ketib, qaytib kelsak yana o'sha yor.  
Chin yor qayoqda-yu, bizlar qayoqda,  
Kelib-ketishlardan nima foyda bor?*

\*\*\*

*Bahosin bilganda fohisha ayol,  
Tanasin sotishni qilmasdi xayol.  
Qaysi bir tilanchi boyib ketgan-u,  
Qaysi shoh qul bo'lib yurgan bemalol.*



\*\*\*

*Men seni tushuna olishim qiyin,  
Seningcha oz yeyin va oz uhlayin.  
Buyursa uhlayman, buyursa yeyman,  
Rizqimda shu bo'lsa ayt, men netayin?*

\*\*\*

*Buyurgan ekanki, odam bo'libman,  
Avvalim xor edi, xojam bo'libman.  
Tana a'zolarim hozir jamuljam,  
Bir kuni hok bo'lsam nojam bo'libman.*

\*\*\*

*Tabiat biladi yosharish sirin,  
Hayot qaritadi oshkor, yashirin.  
O'lim yosharishning sababi bo'lsa,  
Qay biri achchig'-u, qay biri shirin?*

\*\*\*

*Azalimga eltdi bir kuni xayol,  
Hozir shukur qilsam bo'lar hemalol.  
Zilziladan qo'rquv sababi qayda,  
O'shanda o'lganman shundan ehtimol.*

\*\*\*

*Tog'dan yumalagan bu kalladek tosh,  
Ehe, nimalarga bermagan bardosh.  
Qaldirab tushdi-yu jim bo'lib qoldi,  
Taqdirga tan berdi, to'kmadi ko'z yosh.*

\*\*\*

*Ruh bu – energiya, misoli havo,  
Bu hayot oqimi tanamizda jo.  
Tana a'zolarim bo'lib jamuljam,  
Uning istagini keltirar bajo.*

\*\*\*

*"Biz kelib ketuvchi to'garak jahon",  
Shubhasiz, Allohdan boshlangan ayon.  
Borar marramizni bila olmasdan,  
Chopib yurmoqdamiz biz bo'lib giryon.*

\*\*\*

*Tushuna olsangiz fikrimni agar,  
Bir jonzot yushamas faqat bir safar.  
Keladi-ketadi, yana keladi,  
Faqat o'zi bo'lar bundan hexabar.*

\*\*\*

*Hayot go'zal bo'lsa, bo'lmasa go'zal,  
Har kimga o'zining hayoti afzal.  
Insonlarga yoqsa, insoncha hayot,  
Ariga arining hayoti asal.*

\*\*\*

*Qayerga to'kilsa kindikning qoni,  
Bilib qo'y shu yerdir uning makoni.  
Nafaqat yashashga, kamol topishga,  
Ma'quldir hattoki chiqishga joni.*

\*\*\*

*Faqat orzularda bo'lmaydi qanot,  
Nimalar qilmaydi, seni bu hayot.  
Oylab ko'r, ucharsan tushingda nega?  
Uchgansan, ucharsan, sensan barhayot.*

\*\*\*

*Tabiat bag'rida agar olsak dam,  
Tanamiz yayraydi, bo'lamiz bardam.  
Bahra olganidan maysadan bexol,  
Yashil tus olibdi anavi tosh ham.*

\*\*\*

*Hayot tinch qo'ymaydi tupromni ham,  
Bir urug' bo'lsa has, yana ozroq nam.  
Mening tuprog'imni ozuqa qilib,  
Yaproq yashnashiga beradi yordam.*

\*\*\*

*Tuproqqa aylansa ketganlar faqat,  
Yer bo'lib ketardi ayt, necha qavat?  
Tafakkur qilaylik bor haqiqatni,  
Qayta tug'ilishni qilaylik da'vat.*

\*\*\*

*Tanamiz suv, tuproq, ruhimiz olov,  
Bu shunday olovki yonmaydi darrov.  
Bu olov shubhasiz quvvatdir, kuchdir,  
Ruh tana birligin endi qil so'rov.*

\*\*\*

*Boltaga sop bermay kesilmas daraxt,  
Xiyonat lazzati keltirmaydi baxt.  
Etagin ko'tarsa aldangan ayol,  
Uni bulg'aydigan er bo'lar badbaxt.*

\*\*\*

*Oldinga bosmaslik, ortga ketishdir,  
Abadiyga qolish eng mushkul ishdur.  
Hayotning eng chuqur mazmuni shuki,  
Uning qadrin bilib, ketib kelishdir.*

\*\*\*

*Qur'onni besh yoshda yodlaganlar bor,  
Azalda kim bo'lgan qiling e'tibor.  
Menchi, bu yoshimda harf tanimasdim,  
Rosa o'ttiz yoshimda bo'ldim shifokor.*

\*\*\*

*Ming yilcha suv ichib qilgandi mazza,  
Bir tashna xokidan yasalgan ko'za.  
Yigitga aylanib yana bir zamon,  
Mo'ylobin silardi ichganda bo'za.*

\*\*\*

*Tanamiz ruhidan tushganda ayro,  
Tabiat tartibin qiladi ijro.  
Qabrimiz qorong'i, hoh yorug' bo'lsin,  
Kutarlar ochko'zlar, ko'zlari bejo.*

\*\*\*

*Gohida kelamiz bo'lib bir gado,  
Gohida shoh bo'lib bo'lamiz paydo.  
Kimning zurriyodi bo'lish qo'ldamas,  
Qay taqdir bitilsa etamiz ado.*

\*\*\*

*Ba'zan rost gaplar ham kiyarlar libos,  
Rivoyat to'qilar har bir rostga xos.  
Yolg'on rivoyatdan dinga ne foyda,  
Bu dinning puturin ketkizar xolos.*

\*\*\*

*Bandaga sig'inib yashasang agar,  
Bu banda nazdida egarsan egar.  
Ot beli meniki deya qvonma,  
Banda otni emas, seni ham minar.*

\*\*\*

*Mo'jiza konidir chindanam olam,  
Hoh tirik, hoh o'lik bunda olmas dam.  
Hayratdan yaqosin ushlab qoluvchi,  
Eng buyuk mo'jiza chindanam odam.*



\*\*\*

*Mingga to'qsonni qo'sh, bir ming-u to'qson,  
Yana ming o'nni qo'sh judayam oson.  
Aldanma yig'indi uch ming bo'ldi deb,  
Hayot bu sinovchi buyuk imtihon.*

\*\*\*

*Xudo bor, modda bor, energiya bor,  
Boshqasin bor desak baribir bekor.  
Agar biz borliqni bor deb anglasak,  
Yo'qlik yo'q, siz bunga qiling e'tibor.*

\*\*\*

*Boshi berk ko'chaga kirib qolsang ham,  
O'zingni yo'qotma bo'l biroz bardam.  
Har qanday ko'chaning tepasi ochiq,  
Chin dildan so'ragin, beradi yordam.*

\*\*\*

*Birovniki bo'lsa agarda somon,  
Suvoqning ichida qolgani yomon.  
Eshik derazadan kirsam hamki nur,  
Budir to'rt devorli chinakam zindon.*

\*\*\*

*Taqdirni qo'l bilan yaratsa odam,  
Qo'lida bo'lardi kelish-ketish ham.  
Xohlasa kelardi, xohlamasa yo'q,  
Bir kelib ketihoq olar edi dam.*

\*\*\*

*Bir o'ylab ko'ringchi, dunyoda borsiz,  
Bor esa yo'q bo'lmas yaxshi bilasiz.  
Bir kuni dunyodan jim ketsangiz ham,  
Bir kuni chinqirib qaytib kelasiz.*

\*\*\*

*Hayot qaritsa ham bizlarni ming bor,  
Ming bor qiynasa ham bizlarni ro'zg'or.  
Bir kun o'lim bor deb, g'am chekmoq nechun,  
Borliqni g'amxo'ri g'am chekmas zinhor.*

\*\*\*

*Vaqtida kelganmiz, erta kech emas,  
Bu kelib ketishlar qo'limizdamas.  
Vaqti soatida uh, desak sekin,  
Vaqt kelsa chinqirib olamiz nafas.*

\*\*\*

*Birinchi nafasni chinqirib oldik,  
So'nggi nafasdan so'ng jim qola qoldik.  
Nafasni oldig-u, olmadik nima,  
Na nafasyo 'qoldi, na biz yo 'qoldik.*

\*\*\*

*Energiya borki, modda ham mavjud,  
Birisi bo'lmasa bo'lar nomavjud.  
Ruh bu – energiya, tana bu – modda,  
Demak ruh mavjudki, mavjuddir vujud.*

\*\*\*

*Maymudan yaralgan emasdir odam,  
Ong o'sib borishi rostku chindanam.  
Qayta tug'ilmasa, ong ham o'smasa,  
Maymunni maymundek saqlardi olam.*

\*\*\*

*Ong o'sib bormoqda kunma-kun qarang,  
Kelajak oldida mendirman garang.  
Nabiram oldida olimman desam,  
Bir savol bersa bas, xolim bo'lar tang.*

\*\*\*

*Eng katta armon bu o'limdir ammo,  
Ketib, qaytib kelsa yana shu samo.  
Armon qiladimi yo qilmaydimi  
Qayta tug'ilishni keltirar bajo.*

\*\*\*

*Tirik jon o'limga mahkumdir bir kun,  
Hayot yorug' kun-u, mayli, o'lim tun.  
Daraxt o'tin bo'lib, yonib ketsa ham,  
Nomavjud bo'lmaydi na kul, na tutun.*

\*\*\*

*Uringni sarf etma qasr qurmoqqa,  
Jabr ham qilmagin til, tish-tomoqqa.  
Buzib qayta qursa nabirang uyni,  
Javob topolmaysan sen bu jumboqqa.*

\*\*\*

*Taqdirda ne bo'lsa ko'ramiz barin,  
Bilmaymiz taqdirda ne sir yashirin.  
Xatto tush ko'rish ham qo'limizdamas,  
Bo'lmasa har bir tush bo'lardi shirin.*

\*\*\*

*Qimorboz nazdida hayot bu qimor,  
Dorbozning nazdida budir baland dor.  
Qimorboz u desa, dorboz bu deydi,  
Bir-birin tushungan qani, qayda bor?*

\*\*\*

*Xisob- kitob bilan yaralgan olam,  
Olamda zarradir har bitta odam.  
Avval qancha bo'lsa, hozir ham shuncha,  
Bir zarra kam chiqmas oxirida ham.*

\*\*\*

*Bir kun chaqib olsa odamni ilon,  
Arqonni ko'rsa ham cho'chiydi chunon.  
Ozuqa bo'lganda kun kelib bir kun,  
Yaxshiyam tanadan chiqib turar jon.*

\*\*\*

*Xudoyim yagona, Xudo yagona,  
Bizlar parvonamiz, bizlar parvona.  
Ko'ngilni to'q qiling va kengroq qiling,  
Qani kim yo nima unga hegona?*

\*\*\*

*Bir ayol o'zidan bo'lardi hayron,  
Mol qo'yni, maysani sevardi chunon.  
Goroskop ko'rdiyu, lol bo'lib qoldi,  
Oldingi hayotda ekan u cho'pon.*

\*\*\*

*Xudo bor, modda bor, energiya bor,  
Olamda hech narsa turmaydi hekor.  
To'g'ri tekintomoq, poraxo'r boru,  
Rosti gap ulardan Xudo ham bezor.*

\*\*\*

*Tabiatga ziyon keltirib inson,  
Aqlini, ongini pesh qilar hamon.  
Gavdasi, kuchini pesh qilganlar ham,  
Qirilib bitganlar kelganda zamon.*

\*\*\*

*Nafsimiz ustunmi, ustunmi vijdon,  
Nafs ustunroqdir hech qilma gumon.  
Bir sabab bo'ldiki bu gapni dedim,  
Hohlasang ishonma, hohlasang ishon.*



\*\*\*

*Iloji boricha uzoqroq yasha,  
Kelgansan hayotga dovonlar osha.  
Ming marta kelsang ham agar dunyoga,  
Ming marta yashab qo'y, shunga yarasha.*

\*\*\*

*Dushmanidan gapirma, sen do'stdan gapir,  
Yurtim yomon dema, bo'lsang musofir.  
Uzoqdagi qardosh etib kelguncha,  
O'lim haq, yon qo'shning jag'ingni tang'ir.*

\*\*\*

*Baxilni jazosiz qoldiring zero,  
Baxillik illatdir, buyam bir jazo.  
Ichi kuyaversa u nima qilsin,  
Unga rahm qiling, bo'ling beparvo.*

\*\*\*

*Kimdir yer yuzini qiladi obod,  
Yana kim borini qiladi barbod.  
Qizig'i shundaki har ikkisi ham,  
Qilgan ishlaridan bo'ladilar shod.*

\*\*\*

*Tabiat go'zaldir buzmasa odam,  
U mudom yashaydi buzganida ham.  
Bizlarni qaritib, yosharish uchun,  
O'limning qo'lidan tutadi mahkam.*

\*\*\*

*Olamda hech narsa keraksiz emas,  
Qurigan daraxt ham o'tin bo'lar, bas,  
Hayot bu qaritib, chiritsa hamki,  
Qani kim aytadi, kimga kerakmas?*

\*\*\*

*Asli yaxshi ko'rar insonni inson,  
Insonchalik sevmas, insonni inson.  
Bir inson boshiga falokat tushsa,  
Mening bu fikrimni kuzatish oson.*

\*\*\*

*Yerimiz beminnat, zo'r mehmonnavoz,  
Gohida oq ro'mol o'ragan tannoz.  
Goh esa kuyib o'l, deganday qilib,  
Yashilga burkanih qiladi pardoz.*

\*\*\*

*"Osmonda bir xo'kiz nomimish parvin,  
Quyida birisi ko'tarar zamin".  
Shu sodda tafakkur bo'lmaganida,  
Tortilish kuchi ham bo'lmasdi tayin.*

\*\*\*

*Ruxning tabiatin bilganda inson,  
Marsda yashashga ham topardi imkon.  
Mayli, bu hozircha shoir hayoli,  
Hayol ruh mahsuli, bo'lmangiz hayron.*

\*\*\*

*Ruhimga shu tanam emish bir zindon,  
Zindonmi, qusrmi qilayin bayon.  
Tana tuzilishin o'rganib ko'ring,  
Zindon bu – guliston boladi ayon.*

\*\*\*

*Olamni hijjalab o'rganib bo'lmas,  
Qancha chuqur bilsang yo ko'ngling to'lmas.  
Ilm bir pichoqqa sop bo'lmasa ham,  
Shu sopdan tutarlar pichoqdan emas.*

\*\*\*

*Tuproqni tabiat turadi namlab,  
Osmon ham bu suvni oladi g'amlab.  
Urug'ni undirib shu qaro yerdan,  
Pardozni boshlaydi har tong ertalab.*

\*\*\*

*Dunyoga kelganmiz xaj qilmoq uchun,  
Yana kim kelgandir vaj qilmoq uchun.  
Bu dunyo aslida xojixonadir,  
Lekin kelmaganmiz ranj qilmoq uchun.*

\*\*\*

*Xattoki yovga ham bo'lma beayov,  
Yengil suv sepsang ham o'chadi olov.  
Tandirdagi olov beo'xshov yonsa,  
Olovni jilovlab yondirar kosov.*

\*\*\*

*Miyasi lat yebon chekkanda ozor,  
O'zga bir chet tilda so'zlaganlar bor.  
Qayta tug'ilishning bu bir dalili,  
Biroq bundan boshqa dalillar bisyor.*

\*\*\*

*Qaytadan tug'ilish mo'jiza emas,  
Qayta tug'ilmagan odam ham bo'lmas.  
Tana bunda qolsa ruh qayga ketar?  
Har inson shuni bir o'ylab ko'rsa has.*

\*\*\*

*Tush ko'rdim tushimni suvga aytayin,  
Aytmayman tushimni senga atayin.  
Oldingi hayoting tushingda ko'rsang,  
Hech kimga aytmagin, derlar betayin.*

\*\*\*

*So'fiy Olloyorni ko'p yod etaylik,  
Hayyom she'rlariga quloq tutaylik.  
Rumiy, Navoiylar qayta tug'lsa,  
Yana nima yozsin, nima kutaylik?*

\*\*\*

*Men ham bir mahallar suv, tuproq edim,  
Loy bo'lib qorilgach, men borman dedim.  
So'ng esa noma'lum sababga ko'ra,  
Ajabo, naslimni g'amini edim.*

\*\*\*

*Ayolning boyligi deydilar iffat,  
Husni-jamoli ham juda katta baxt.  
Har qanday ko'zguning orqasi qora,  
Xatarga eltadi har qanday lazzat.*

\*\*\*

*Men ham tabiatman, senman tabiat,  
Qo'lingdan kelsa gar o'zingdan ajrat.  
O'simlik yo hayvon, goh inson bo'lib,  
Aylanib yuribman qilib sayohat.*

\*\*\*

*O'tmishi bo'lmasdan tug'ilmas odam,  
Kelajak bo'lmasa yolg'on do'zax ham.  
Qayta tug'ilishlar qiyomat qadar,  
Ungacha tirik jon ololmaydi dam.*

\*\*\*

*Hayot nimaligin osonmi aytish,  
Ko'rganim aytayin bu oziqlanish.  
Unda o'lim nima, ko'rmaganmiz-ku,  
Ko'rmayoq men aytay, ozuqa bo'lish.*



\*\*\*

*Tilagin, umrimiz bo'lsin-u uzoq,  
Bu tilak hamisha qo'ldamas biroq.  
Hozircha hech kimga nasib qilmagan,  
O'tmish, kelajakdan oson ajramoq.*

\*\*\*

*Mo'jiza bo'lmagan narsa o'zi kam,  
Har narsa mo'jiza ming bor ko'rsang ham.  
Mo'jiza emasmi kecha va kunduz,  
Yer hilan aylansam, buni sezmasam.*

\*\*\*

*Sov suvi oqadi pastlikka tomon,  
Sel kelsa toshlar ham oqar begumon.  
Suv falak soyidan tepaga oqsa,  
Tosh pastda to'planib tog' bo'lmas hamon.*

\*\*\*

*Bizlar ko`p kelimiz yeb-ichmoq uchun,  
Ozuqa olamiz yetilmoq uchun.  
Bizning tuprog`imiz hali ko`p kerak,  
Chaqaloq yasashga loy qormoq uchun.*

\*\*\*

*Umr qisqa derlar ortar fig'onim,  
Nahot kamlik qildi olgani yog'ing.  
Kim sendan yzog`u, kim kamroq yashar.  
Shukur qil qarab qo`y u yoq bu yog'ing.*

\*\*\*

*Bu dunyo aslida katta tomosha,  
Tomosha ko`ramiz dovonlar osha.  
Tomosha haqqini undirish uchun,  
Bizlarni kutadi qozon go`rposhsha.*

\*\*\*

*Tanamiz suv bo`lsa va bo`lsa tuproq,  
Unamiz, maysamiz, ho`lamiz boshqoq.  
Non bo`lib pishamiz, so`ng belda quvvat,  
Axiri go`dakmiz yo`rgakda oppoq.*

\*\*\*

*Qayta tug`ilishni qilamiz orzu,  
Kim bo`lib tug`ilish bu boshqa mavzu.  
Bu ishlar bizlarning qo`limizdama,  
Taqdir taqvimini tuzib qo`ygan U.*

\*\*\*

*Dilingda ne bo`lsa sen qog`ozga yoz,  
Inson umri bitsa o`char un-ovoz.  
Sendan kelajakka yozganing qolar,  
Sen, mendan ko`p yashar bilib qo`y qog`oz.*

\*\*\*

*She`r aslin bilganlar aslida buvam,  
Va hissa qo`shganlar bunga otam ham.  
Faqat o`zi yozgan shoir bormikin,  
Bo`lsa ham bordir-u bunaqasi kam.*

\*\*\*

*G`urbatda g`arib ham bo`ladi shodmon,  
Borligin shukrini qilolsa inson.  
Bor edik, bor bo`ldik va hamon bormiz,  
Borlik shukrin qilib ho`laylik shodon.*

\*\*\*

*O`simlik nazdida bordir shu makon,  
Hayvon shaksiz bilar, bordir tirik jon.  
Gar inson Xudoni his qilmas ekan,  
U inson ekani shubhada hamon.*

\*\*\*

*Tilasang avvalo o'zingga tila,  
Boy bo'lsang yo'qsilning boshini sila.  
O'zgalarga tilab tilanchi bo'lma,  
• Bandadan so'rama bersa ham tilla.*

\*\*\*

*Taqdirni yengishga urinma zinxor,  
O'zingni yengishga senda imkon bor.  
Dunyoni tartibga solaman dema,  
Istaklaring boshqar, xom xayol bekor.*

\*\*\*

*Omadning ketidan kelsa ham omad,  
Shubha qil kelsa ham halol daromad.  
Omad yuz o'girsas fikr qil nega?  
Kamayib boradi mudom hushomad.*

\*\*\*

*Tabiat tasvirin chiziboq rassom,  
Burchakka imzosin qo`yadi mudom  
Tabiat jonlanay deganda esiz  
Imzo uni buzdi ish bo`ldi tamom.*

\*\*\*

*Qayta tug`ilishni men qildim kalom,  
Mayli baxs qilsinlar kelajak avom.  
Hayot haqiqatin tan olmaganlar,  
Faylasuf tentak deng, tamom, vassalom.*

\*\*\*

*Yaratgan bog`larim bo`lganda so`lim,  
Qayga uzatsam ham, yetganda qo`lim.  
Astoydil sajdaga bosh qo`yay desam,  
Ishning pachavasin chiqarar o`lim.*

\*\*\*

*Boysan deb sen menga qilma malomat,  
Boylik yo gadolik huyam bir holat.  
Gadoyning chaqasi, boyning tillosi,  
Boyga-yu gadoga asli omonat.*

\*\*\*

*Yolg`ondir so`zlar ham, yolg`ondir g`azal,  
Ulama soch bilan o`ynasa go`zal.  
Rostdan ham ingrasa shu sovuq simlar,  
Menga shudir g`azal, shunisi afzal.*

\*\*\*

*Qonimda temir bor, shu aniq ma`lum,  
Tabiat o`ynoqi, hayot esa shum.  
Bir hayrat ortidan boshqasi kelsa,  
Mo`jiza bu boshim bo`lib qolar g`um.*

\*\*\*

*Yerimiz aylanib oladi lazzat,  
Quyosh porlashi-ku lazzatdir faqat.  
Borliqda bor bo`lib qimirlab turish,  
Va buni his qilish juda katta baxt.*

\*\*\*

*Olamda har zarra qilar harakat,  
Va bundan shubhasiz oladi lazzat.  
Harakat bo`lmasa yo`qdir mavjudlik,  
Yo`qlikdan asrasin, yo`qlik bu kulfat.*

\*\*\*

*Abadiy uyquni qilsak ixtiyor,  
Qiyomat bo`lguncha bu orzu bekor.  
Uyquga to`ymagan mudroq ko`z bilan,  
Yana shu dunyoga kelishimiz bor.*



\*\*\*

*Ketgan kelarmish-u, ketmonlangan yo`q,  
Ketmonda bo`lsa gap demak ko`nglim to`q.  
Ketmonu belkurak u yoqda tursin,  
Meni yo`q qilolmas zambaragu o`q.*

\*\*\*

*Chin dunyo bag`rida dam olar eding,  
Bu besar dunyoga nimaga kelding?  
O`zimizda bo`lsa agar ixtiyor,  
Men darrov kelardim, sen kelarmiding?*

\*\*\*

*Xudo bor, modda bor, energiya bor,  
Borini hech kimsa qilolmas inkor.  
Bor bo`lsak yo`q bo`lish qo`limizdamas,  
Qara bu olamni, qanday vafodor.*

\*\*\*

*Yo`qni bor qilmagan biror avliyo,  
Borni yo`q qilolmas ilm-fan, kimyo.  
Bor borki va demak, yaratolgan bor,  
Yaratgan yo`q degan, asli behayo.*

\*\*\*

*Xudo bor, modda bor, energiya bor,  
Bu gapni ming marta qilaman takror.  
Xudo bor, Xudo bor, shuni aytmasam,  
Qornim yoriladi, yorsiz qolar yor.*

\*\*\*

*O`lmasdan turib ham o`lolsa odam,  
Xudodan boshqasin demasdi bir dam.  
Avliyo otalar shunday yo`l bilan,  
Ishqning yo`lin tanlab qo`yganlar qadam.*

\*\*\*

*Xudo boshqa borliq, biz boshqa borliq,  
Bizlar energiya, moddamiz to`liq.  
Ajabo moddalar energiyaga,  
Gohida yo`l berib, goh qo`yar to`siq.*

\*\*\*

*Bug`doyni chaynab yeb ko`rdim bir safar,  
Shunaqa og`zimni qildiki besar.  
Nonni kashf qilganlar Nobelga loyiq,  
Yozilsa huyam kam tom-tomlab asar.*

\*\*\*

*Olamdan yo`qolib ketolgan kim bor?  
Yaqin yo`latmasa yoniga chin yor.  
Sinovchi dunyoda o`zini poklab,  
Pokman deb aytishga qani kim tayyor?*

## MUALLIFDAN

Men deyarli har bir inson kabi bir umr tana va ruh birligi haqida o'yladim, shu haqida xayol surib yashadim. Men yoshligimdayoq agar insoniyat tana va ruh birligini o'rgana olsa, o'limning oldini olishi mumkin degan o'yda edim. Afsuski, men qachonki tana va ruh birligi haqida o'ylaganimda, hali dunyoni angalay olmagan, lekin beshigiga osilgan o'yinchoqqa qiziqib, unga qo'l cho'zayotgan boladay. his qilardim o'zimni. Lekin o'tgan umrimga sirayam achinmayman, zero, biz ruh deb ataydigan narsa aslida energiyaning o'ziga xos bir turi ekanligini anglab yetdim-ku. Nafaqat ruhning, balki tananing ham abadiyligini, har bir jonzo'tning qayta-qayta dunyoga kelayotganini anglab yetganim kammi?

Darvoqe, mening she'riyatim uzoq kelajakda ilm izlagan avlodlarimizga ozgina bo'lsada asqotib qolishidan ham umidim yo'q emas.

O'z fikr va mulohazalarimni she'r orqali bildirish menga oson bo'lgani uchun, shu yo'lni tanlab qo'ya qoldim.

2017-yil, avgust

*Adabiy-badiiy nash*

Najmiddin Eshonov

# U DUNYODAN QAYTMAGAN KIM BOR?

*(To'rtliklar)*

**Muharrir:**

*J. MUSLIM*

**Texnik muharrir:**

*N. NASIMOV*

**Dizayner:**

*SH. ESHONOV*

**Musahhih:**

*M. ESHONOVA*

Terishga berildi 29.08.2017. Bosishga ruxsat etildi 29.09.2017 y.  
Bichimi 60x42 1/8, Hajmi 10 bosma taboq. Buyurtma № 1327  
Adadi 1000 nusxa. Bahosi kelishilgan narxda.



**“NAMANGAN” NASHRIYOTI**  
Namangan shahri, Navoiy ko'chasi. 36.  
Nashriyot litsenziya raqami AI – 156  
2009 yil 14 avgustda berilgan

**“Zakovat” nashriyot uyi MCHJ bosmaxonasida chop etildi.**

Manzil: Kosonsoy shahar, Chorbog' ko'chasi, 17-uy.

Мен үлсэм кабарымга  
бул экинэ, бирок,  
Илдизин танамга  
экинэ якимрок.  
Маймга, танамдан  
озука олсин,  
Тул тезрок очилсин,  
яшнасин яфрок.



ISBN 978-9943-4029-1-2



9789943402912